

Kitob dunyosi

№ 7-8 (400-401)
2024 йил,
8 май.
Газета ҳар
ойнинг иккинчи
ва тўртинчи
чоршанбасида
чоп этилади.



Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета



Сенга кулгилидир мендаги азоб
Ва лекин севасан етади ақлим.
Азизим, қийнама, ҳеч қолмади тоб.
Билмайсан, нақадар кучлидир ишқим,
Билмайсан, қандай зўр менда изтироб.

А. С. ПУШКИН

Албер КАМЮ (1913–1960),
француз файласуф адиби

ИЖОД ВА ИНҚИЛОБ

Эссе



Мурасасизликка муқкасидан кетган замонавий санъат ҳам шаклпарастлик ва моддиятпарастлик ўртасида сарсон-саргардон бўлиб юрибди. Дарвоқе, моддиятпарастлик буржуа жамиятида бўлгани каби социализмда ҳам ўзини замонасозлик ортига яширади. Худди шунингдек, шаклпарастлик ҳам эски жамиятда қандай сафсатабоз бўлса, янги жамиятда ҳам шундай ташвиқот либосини кияди. Ақлга зид инкорга берилган бадиий тил қай тарзда алмойи-алжойилликка айланса, ақлга зид этирофга берилган бадиий тил ҳам шу тарзда мутелик воситасига айланади. Ҳақиқий санъат ана шу икки кутб орасига манзил куради. Мабодо, исёнкор ҳам хомхаёлга, ҳам моддият ҳукмронлигига шайдо бўлишдан қочаётган экан, унда санъаткор ҳам пуч шаклбозлигу эстетик мустабидликдан ўзини ҳимоя қилиши шарт.

Бугунги дунё, шак-шубҳасиз, бир бутунликка, бироқ нигилизм билан йўғрилган бир бутунликка интиляпти. Тараққиёт эса ақидапарастликка айланган нигилизм билан бир қаторда ақидасиз нигилизмдан ҳам воз кечсагина, ижодий фаолият билан уйғунлашиши мумкин. Ваҳоланки, санъат соҳасида ҳам охири йўқ шарҳбозлигу-вайсақиликнинг куни битиб, у ҳақиқий ижодга яқинлашяпти.

Ижодийлик зарур деган гапдан ижодкорлик осон иш экан деган фикр келиб чиқмайди. Санъатдаги ижодкорлик руҳи шаклсиз воқеликка қатъий муносабатдан туғилган услубнинг мукамаллигига соянади. У ўз даври эҳтиросларини шаклга сулган сайин ўзи ҳам шаклланиб боради.

Бошқа томондан эса биз ошиқ-маъшукликнинг жўшқин эҳтиросларидан узоқлашар эканмиз, бугунги санъаткордан де Лафайет хоним бўлиш талаб этилмайди. Шахсий ғам-ҳасратлар оммавий эҳтирослар тагида кўринмай қолган бугунги кунда санъат фақат ошиқ-маъшукларнинг жўн эҳтирослари билан шуғулла-

нолмайди. У янги тарихий курашлар жараёнида оммавий эҳтиросларни ўрганиши зарур бўлади. Эҳтирослар ақлга бўйсунган, дунё қиёфаси мавҳумлашган аини пайтда санъат учун ўзини тақдир кўлига топширишдан бошқа чора қолмади; шундай бўлса-да, у ҳамон мустабидликка қарши бирликка даъват қилляпти. Худди шу даъвати билан ўзини-ўзи хавф остига ташляпти. Бугун ижод қилиш – ўлим билан ёнма-ён яшагга ўхшаб қолди. Оммага хос эҳтиросни ифода этмоқ учун, ҳеч курса, уни ўз жисмида синаб, бошидан кечириб кўриш керак. Бироқ бу эҳтиросларни бошидан кечирмоқчи бўлган санъаткорга унинг ичида йўқолиб кетиш хавфи ҳам мавжуд, зеро, замонамиз санъат асаридан кўра кундалик матбуот олди-қочдилари изидан қувиб юради. Матбуот бизга вақтимизни беҳуда сарфлашга ўргатмоқда. Пировардида, муҳаббат ва романтик хаёлпарастлик даврининг акси ўлароқ бу эҳтирослар билан ўзини муолажа қилишга интилиш – касалликни кўзга тиб юбориш билан баробардир, негаки, оммавий эҳтиросларга маҳлиё бўлиш фақат уни деб, фақат унинг учун ўзини қурбон қилишни талаб қилади. Бугун санъатни яна ҳам юксакликка кўтариш имконияти қанчалик мавжуд бўлса, унинг таназзул хавфи ҳам шунчалик кўпдир. Ижод қирғин ва қатли ом билан бир жойда яшай олмас экан, тез орада ижодкорлар анқонинг уруғига айланади, чунки бугун ер юзи қирғин ва қатли ом бошпанасидир. Қоп-қора булут бўрон даракчисидир бўлган каби ишлаб чиқаришни беадад кенгайтириш ҳам қирғин ва уруш даракчисидир. Уруш Пеги каби шоирларнинг жонини олиб, Ғарбни кундан-кун файзсиз қилиб бормоқда. Устига устак, вайроналарини тугатиб улгурмай туриб, буржуа олабўжиси ўзига қараб келаётган инқилоб олабўжисини кўриб қолди. Энди Пеги қайта туғилмайди ва яна даҳшатлиси шундаки, уруш тахдиди Пеги бўлишни истаётганлардан ҳам шафқатсиз қасос олади. Бундан буён ижодий давомийлик мабодо ўзини ақалли битта намоянда қиёфасида тиклай олса ҳам, бундай намояндани юзага чиқариш учун бутун бир авлоднинг умри сарф бўлади...

Замонавий мустабидлар зулм ва зўрликни қойиллатишади, бироқ ижод қилиш кўллари-дан келмайди. Санъаткор эса ижод қила олиши мумкин, бироқ ўлдириш кўлидан келмайди. Уларнинг орасидан жаллодлар чиқиси даргумон. Шу нарса аниқки, инқилобий жамиятда санъат ҳалокатга маҳкумдир. Бироқ бундан инқилоб ҳеч нарса ютмайди. Ижодкор одамни ўлдириш билан бирга жамият ижодкор қиёфасидаги ўз куч-қувватини ҳам ўлдиради: санъат билан бирга ўз танасидаги қувватни ҳам сўриб чиқаради. Охир-оқибат мустабидлар ўз ниятларига мутлақ эришган тақдирда ҳам бу билан ер юзини жаннатга эмас, нақ жаҳаннамнинг ўзига айлантган бўлур эдилар. Ва лекин ҳатто жаҳаннамда ҳам санъатга ўрин топилади:

у абадий таназзул чўккан беадад ўлик кўнлар ичра сўниб ётган умидга йилт этган илинж – тириклик бағишлаш билан ғалабаси муқаррар исён – ижодни бошлаб беради. Ўзининг "Сибир кундаликларида" Эрнст Двингер узоқ йиллар концлагерда ҳўрликда яшаган бир немис лейтенанти ҳақида ҳикоя қилади: у узун тахтачада овозсиз фортепьянога ўхшайдиган соз ясаб олади ва фақат ўзигагина эшитиладиган, уни маҳбусликнинг уқубатли ва зулмкор дунёсидан узиб олиб, олисларга ва ҳўрликка етаклайдиган ғалати, сассиз муסיқалар чалади.

Ва ҳатто дўзахда ҳам – асрлар оша инсон қудратини кўз-кўз қилган сирли оҳанглар, ҳўрлик ва ҳақоратдан юксалган гўзаллик ҳамда исён билан уйғунлашган наволар бизни зулм ва нодонликка қасдма-қасд улуғворликка чорлаб туради.

Бироқ дўзахий таназзул ҳам абадий эмас, вақти келиб ижодкор ҳаёт яна қаддини тиклай бошлайди. Балки, инсоният умрининг худуди бордир, бироқ бизнинг вазифамиз интиҳога эмас, балки янги ҳаёт, янги ижодий имкониятдан дарақ берувчи ибтидога интилишдир. Санъат бизга инсон тарих кутбларига сифмаслигини кўрсатади ва унинг табиат устидан ҳукмронлиги ҳам мана шу жиҳати билан боғлиқдир.

Ҳар қандай тарихни инкор қилиш мумкин, бироқ барибир ўша инкор қилинган жойда ўзимиз яшамимизга тўғри келади. Бизга меҳнат – фаровон турмушнинг асосий гарови деб тушунтираётган, табиат ва гўзалликдан бебаҳра яшаса ҳам бўлади деб ҳисоблаётган инқилобчилар шу қарашлари биланоқ ўзларини ўзлари тарих саҳнасидан ҳозирданоқ ҳайдаб чиқармоқдалар. Барча улуғ ислохотчилар Шекспир, Сервантес, Мольер, Толстойлар яратган ижод намуналарини ўрганиш орқали тарих саҳнасига чиқишга уринганлар. Дунё ҳар бир одам қалбидан жой олган озодлик ва мавжудликка интилиш ташналигини фақат ўз воситалари билан қондиришга қодир эмас. Ўз-ўзидан ойдинки, гўзаллик инқилоб билан мукамаллашмайди, бироқ шундай кун келадики, инқилобнинг ўзи унга эҳтиёж сезади. Унинг воқеликни қамраб олиши ва бир бутунликка интилиш учун исён қонунига – ижодийлик қонунига бўйсунishi шарт бўлади. Инсон табиатини ва дунёнинг гўзаллигини мадҳ этиш билан адолатсизликни бутунлай йўқ қилиш мумкинми? Биз, мумкин, деб жавоб берамиз. Фақат бўйсунмас ва толмас ахлоқгина бизга ҳақиқий ижодий инқилоб йўлини очади. Биз гўзаллик билан ёнма-ён туриб, тарихий жараёнларнинг кўлиги бўлган ярқосиз ақидаларга эмас, санъаткор яратган ижодий оламни ўзида мужассам этган, нафратимизга сазовор дунёга янги ном, янги моҳият бера оладиган ИЖОДКОРга соянгандан сўнггина бошланажак улуғ уйғониш кунига замин ҳозирлаймиз.

Назар ЭШОНҚУЛ таржимаси

Бираго Диоп (Virago Diop) – шоир, давлат ва жамоат арбоби. Шифокорлик ва ветеринария соҳаси бўйича тахсил олган Бираго Диоп ўқувчилик йилларидан шеърлар ёза бошлаган. 1934 йили Африка халқ эртақларини тўплаб, китоб ҳолида чоп эттирган. Бу фидойилиги учун қатор мукофотлар билан тақдирланган. Бир нечта шеърый китоби нашр этилган.

Рўёга айланар тушларим абад

ЭШКАКЧИ ҚЎШИҒИ

Қора танли эшкак эшувчи
Бандаргоҳда куйлайди қўшиқ,
У қўшиқнинг боши қаерда
Ва қаерда тугар у қўшиқ?
Мен сўрадим сайроқ қаргадан:
“Недан пайдо учқур қўшиқлар?”
У айтдики: “Ёз фаслин ушлаб
Шум шамоллар тўлқинга ташлар.
Сув эса гўзалликни асрамоқ бўлиб
Тўлқинларни тараб, қўшиқ бошлайди”.

Қора танли эшкак эшувчи
Бандаргоҳда куйлайди қўшиқ,
У қўшиқнинг боши қаерда
Ва қаерда тугар у қўшиқ?

Бир куни сўрадим яшил майсадан:
“Кимнинг куйларини обкетди туман?”
Улар айтди: “Ёз фаслин ушлаб
Совга қилиб тўфонга отди.
Аммо жингалак соч қария
Гўзаллик учун
Қўшиқни сочи-ла ушлаб,
Денгизга отди”.

Қора танли эшкак эшувчи
Бандаргоҳда куйлайди қўшиқ,
У қўшиқнинг боши қаерда
Ва қаерда тугар у қўшиқ?

Бир куни сўрадим шакарқамишдан:
“Қандай туғилади дастгоҳ айтган куй?”
Улар айтди: “Ёз фаслин ушлаб,
Олиб учди бир қуш фалакка.
Уни ерга, гулларга терди
Ва эшкакчиға мангуга берди.

Қора танли эшкак эшувчи,
Менинг қўшиқчим,
Чаптастан гоёт.
Қўшиқ қандай туғилишини
Билдим ниҳоят.

ДОНИШМАНДЛИК

Ҳар қандай истагу оғриқни отаман,
Олис ўлкалардан уйга қайтаман.
Майли, ёқсин куйдиргувчи тун,
Менинг қайғу-аламларимни.
Ҳар қандай истагу оғриқни отаман,
Ердан кўтараман қонли парчани –
Юрагимнинг синиқларини,
Товонингиз эзмаган бўлса,
Тирик бўлса хали юрагим,
Ердан кўтараман қонли парчани.
Менга насиб этар ўнг келар тушлар
Ва учиб келади ёрқин бир соат.
Тўрт томондан тўрт шамол келар,
Ҳорғин кўзларимни эркалайди-ю,
Рўёга айланар тушларим абад.

АЖДОДЛАР НАФАСИ

Илоҳий овозларни тинглагин гоҳ,
Диққатингда бўлсин ўтмиш баёти.
Шитирлайди олов овози,
Ойналидир сувнинг овози,
Далаларда кезиб юради
Аждодлар ёди.
Урганган жойидан кетмайди руҳлар,
Гоҳида абгор,
Қадрдон ўлкага қайтар кетганлар,
Қора тупроқни этмайин макон,
Шамол бўлиб осмонга кўчди.
Завод ичра сув каби тиниб,
Шаршарада сув ўйнайдилар.
Оломон ичра юрар, кўрғонни кўриқлар
Ўлмайдилар, ўтиб кетганлар.
Аждодлар ўлмасдир,
Бунда қолмиш жами ўтганлар.
Фоний ернинг устидан улар,
Қадрдон жойлардан кетмас ўлиқлар.
Оналар кўксидан улар
Келинларнинг кулгисидан-ю
Чақалоқлар йиғисидан бор.
Ҳар бурчақда улар намоён,
Қуруқ ерни этмаслар макон.
Майсаларнинг шивирларида,
Рақс тушади гулхан ёнида.
Улар бизнинг ошёнларни
Маскан айлаб, манзил этганлар.



Мустаҳкамдир кун-ба кунимиз,
Улар билан боғлиқлигимиз.
Улар яқин – бармоқ теккудек,
Қалбимизга яқин турарлар,
Улар бизнинг сафларимизда,
Бамисоли тирик юрарлар.
Ўлмагандир, ўтиб кетганлар,
Нозик иппар боғлиқ улар-ла
Тортиб турар бизларга томон.
Кенгликларга кўнади улар,
Шамол бўлиб йўлларида шошар.

Қавжираган ўт-ўланлару
Шитирлайди том қамишда.
Кесилган дарахтар ўрнидан бўйлар
Заводда ухлайди, шаршарада ўйнайди.
Улар ёди куч берар бизга,
Асло кетмас вафот этганлар,
Ўлмас руҳи заминимизда.

Рус тилидан Зулфия МЎМИНОВА
таржимаси

Қачонлардир унинг кетмони учган-ди. Уруш қўлган замон эди. Қишлоқ кезиб, қўшиқ куйларди. Уни рамақижон, лекин жони қаттиқ, зикна ва шанги Матрёна Кондакова етаклаб юрарди. У Матрёна Кондаковани хотинжон деб атарди.
Кўпинча у қишлоқ дўкони бўсағасида ўтирволиб, қўшқатор бармоқ-босдили рус гармонини чиқазар, тиззасига қўйволиб ҳафсалала билан узоқ созлар, елкасидаги тасмани

ки хотини – суяқоёқ биттасига илакишиб, дом-дарақсиз йўқолган экан-да. Кейин “мовий, одми дуррача”ни куйларди...

Дамлари ичига тушиб тинглашарди. Ганя паст, бўғиқ овозда айтар, баъзида (авжига чиққанда) бирдан жим бўлиб қолар, фақат созиға зур берар, сўнгра яна давом этарди. Қўшиқлари ҳар хил бўларди.
Яқшанба кун кампирча Зиндон сари йўл олди. Оч қолгандир ўғилча, Тугун қилди, “оҳ” солди.
Ганя йироқларга “тикилгани”, юзи қайғули ва жиддий тусга киргани учунми, кампирча турма дарвозасига яқинлашгани, тугунчасида ул-бул: бир тишлам мой, бўғирсоқ, тухум, латтага ўралган туз, бир шиша сут борлиги кўришиб кетарди гўё...

Тугунни бер, оқаси,
Йўлда ҳамма гап қотди –
Зиндонбанд кўп, нечаси
Очлигидан тош қотди.

Хотин-халаж, қари-қартаң, бола-бақра буларнинг барчасини ўзларича тушунишарди – у ёқда бояқшлар кўпчилигиниям, очликдан тиришиб қолишлариниям. Ўша бечора “ўтирган”га, кампирнинг ўғлига “ризқ”ини етказишларини чин дилдан исташарди – озгина бўлсаям қорниға бирон нима тушсин, чунки аҳмоққаям аёнки, авахтада ўзи эмас. Аммо...

Деди кўрчи ёйлиб:
“Ўғилнинг гум бўлди.
Ўтган кунда отилиб,
У дунёга ем бўлди”.

Бўғизга алам-доғ текилиб қолади. Одамни ўкириб юборгиси келади... Ганя англаб турарди буни. Аммо миққ этмасди. Фақат мис қиррали эски гармонига садо бераверарди. Кейин эса:
Орта қайтди кампирча Зиндондан бош эганча...
Билмас энди ҳеч кимса
Юракдаги доғ қанча.

Қанақасига билишмасин – билишарди! Кўз ёши қилиб олишарди-да, дўлчага бешталиқ, ўнталиқ, йиғирма-талликлари ташлашарди. Матрёна қим қанча бераётганини хушёр кузатиб турарди. Ганя бўлса гармонини қучоқлаб ўтирар, ҳамон ўзининг олис, номаълум сайхонлиқларига “тикилгани тикилган” эди. Бу нигоҳлар ғалати эди, тушунтириб бўлмас дахшатли, юракни эзадиган.
Кейин уруш туғади. Омон қолган эркаклар қайтиб келишиди... Қишлоққа жон кириб, гавжумлашди. Радио ўтказишди, патефон олиб келишиди – Ганя энди ортиқчадай туолди. Матрёна иккови кезинишдан тўхташмади, лекин уни башибир берилиб тинглашмасди. Тўғри, садақа беришарди, шундай – раҳм қилиб, кўзи ожик одам, амал-тақал бўлсаям тирикчилиги ўтсин, деб. Кейинроқ Ганяни қишлоқ идорасига чақиришиб:
– Сенга нафақа тайинлаймиз. Энди

сангиб юрмагин, – деб ўқтиришди.

Ганя анчагача раисга ёнламосига қараб, озиға талқон солиб ўтирди. Сўнгра:
– Ҳимматли ҳукуматимизга раҳмат, – деди-ю, кетди.
Шундаям сандироқлашни қўймади, фақат узокроққа, ўша “исқоти радиу” ўтказилмаган ерларга борадиган бўлди.

Аммо қанча узоққа борса, шунча баттарлашаварди. Ёш-яланг ҳатто уларнинг устидан кулишгача борди.

умуман илма-тешиқ бўп кетганими?
– Юм оғзингни, – дўқ қилди Ганя. – Умуман очма!

– Капгир билан бошингга бир тушираман – очиш қанақалигини кўрасан ўшанда!.. Шайтон олгур, кўрсоққа.
Ганя докадек оқариб кетди.
– Сен менинг соққаларимга тил теккизма! Нурдан ажратган сенмасан мени, ким қўйипти сенга бу гапларни валдирашни!

Ганя алланечук тажанглашиб қолди. У-бу жойга, тўйга айтишса, бош

ман... нокас туғилганман, ўзимга яхшилиқни раво кўрмайман. Нафақамни тўлаб турибсизлар, шунисига раҳмат. Ортиқ ҳеч вақо керакмас сизлардан менга. Ўша жамият-памятларингда бало борми менга? Пайпоқ тўқиб, радио эшитиб ўтираманими?.. Раҳмат! Ушақдагиларга мендан бошим ерга теккунча таъзимимни етказиб қўйинглар.
...Фақат бир марта Ганянинг кўнгли орзиқиб кетди, жон қирғандай бўлди, ёшариб кетгандай туолди ҳатто...

Шаҳардан аллақандай одамлар – уч киши келиб сўрашди:
– Гаврила Романич Козлов шу ерда яшайдими?
Ганя сергақланди.
– Нимаиди? Жамиятга бо-риш учунми?
– Қанақа жамият?.. Сиз кўпгина қўшиқ биларкансиз, бизга айтишиди...
– Хўш?
– Бир эшитсак дегандик. Ёзиб олсан бўларди...
– Нега? – ўсмоқчилади Ганя.

– Биз халқ қўшиқларини йиғамиз. Ёзиб оламиз. Қўшиқлар ўлмаслиги керак...
Шундай сўзларни айтган тилингга шакар, шаҳарлик!..
Ганя диқ этиб ўрнидан турди, маъносиз кўзлари пирпираб кетди... Кўзёшларини тийламади, қуйлиб келаверди, одамлар олдида ер ёрилмади-ю, қириб кетмади. Кейин қовоғини уйиб, йўталиб қўйди, анчагача чурқ этолмади.
– Бизга қўйлаб берасизми? – Қўйлаб бераман.

Бўсағага чиқишиди. Ганя зинаполага ўтирволди, тагин гармонини тиззасига қўйволиб ҳафсалала билан узоқ созолади, елкасидаги тасмани яхшилаб тўғрилад олди. Яна йироқ-йироқларга “тикилди”, юзида тантана ва жиддий балқиди. Мунг ва нафислик ҳам.

Эрта кузакнинг тўқин-сочин кулларидан бири, ерда тинчлик-осойишталик, танни яйратар илқиклик ҳўкм сурмоқда. Қишлоқда ёш-у қари карам кесишга, картошкани ўрага кўмишга, томорқаларда экин-тикин пояларини куруқлигида ёқишга шошиб, иш қайнаётган мана шундай роҳатихон кунда ҳеч ким Гаврилла Романич Козловникида бугун шодидна эканини билмасди.
Томорқадан Матрёна етиб келди.
Қўшни Егор Анашкин четандеворга суяниб олди... Бўсағага аллақандай чамбараклар қўйиб, қўлларидан ёндафтлар билан Ганяни эшитишга тарраддуланиб турган шаҳарликларга анграйиб қолишди.

– Бошланишига мунглисидан бўлсинми ёки турма ҳақидагисиданми? – сўради Ганя.
– Истаганингиз.
Ганя қўшиғини бошлади... Ўх, қуйлагандаям, шундай қуйладики! Аввалига оёқсиз қизча ҳақидагисини айтиб кўрди. Нима дейишаркин, деб тўхтади. Зўр завқ билан йироқларга

“тикилди”.
– Биронта, ҳалиги... жиддийроғидан... Йўқ, буюм яхши! Лекин... биронта ҳақиқий дардлисидан бўлсин...
– Наҳотки, оёқсиз қолиш дард бўлмаси? – хайронланди Ганя.

– Дард, дард, – кўна қолишди. – Хуллас, истаганингизни қуйлаиверинг.
– Митрофан мозор жойда
Ота қизин шарт отди, – қўшиғини қуйлай кетди Ганя. Ич-ичидан тўлиб-тошиб, қойиллатиб қуйлади.
– Бунисини биламиз, эшитганимиз, – деб шартта тўхтатишди уни.
Ганя зловланди.
– Бўлмаси, қанақаси?
Шу жойда уч шаҳарлик ўзаро бахслашиб кетишди: бири қаторасига ёзиш керак, деса, иккитаси, нега экан, деб оёқ тираб туриб олди.
Ганя зўриқиб эшитиб турди. Ўша-ўша олисларга “тикилиб” қолди – афтидан, уни тинглаб, бахслашган эмас, ҳиқ-ҳиқ йиғлашган дамларни тасаввур қилди.

– Турма ҳақидагисям бор, девдингиз. Қани. Бир эшитайлик.
Ганя гармонини ёнига қўйди. Тўхтатиб чекди.
– Турма – ёмон гап, – деди. – Худо кўрсатмасин. Нима қиласизлар-а?
– Нега, ахир?!
– Йўқ, яхшилар, етар. Уйин-кулги қилдик, шунинг ўзи етади. – Яна-тагин тескари тўнини қийиб олди Ганя.
– Одамлар илтимос қилишяпти, ахир! – тумшук сўқди Матрёна. – Намунча ўзингни тарозига солсан?
– Учир! – чўрт кесди Ганя.
– Эшак, – деди-ю, Матрёна томорқага қараб кетворди.
– Биздан ранжидингизми? – сўрашди шаҳарликлар.

– Нега ранжирканман? – хайрон бўлди Ганя. – Йўғ-э. Нега экан? Сизларга қанақа қўшиқ кераклигини билмас эканман, холос. Бор-ўйғи шу.
Шаҳарликлар жомадонларини йиғиштиришди, Ганяга ташаккур билдириб, уч рубл беришди ва кетишди.
Егор Анашкин пастак четандевордан ошиб ўтиб, Ганянинг ёнига чўкди.
– Ростданам, нимага тижирлик қилдинг? – қизиқсинди у. – Айтиб беравермайсанми, кўпроқ ташлаб кетишармиди.

– Чўққаларингни боқяпанми? – сўради Ганя бирмунча сукутдан кейин.
– Боқишга-ку боқяпанман, – хўрсинди Егор. – Энди қайқа гумдон қилишни билмаяпман жон ургурларни. Ўшанда боллаб лақиллатишди-да, биттасини беш пулданмиш! Энди қайқа етаклайман ўлгурларни? Бозоргами – шундоғам менсиз текилиб ётибди ағда, бир менмидим шунақа...
Егор тутун бурқситиб, ўйга толди.
– Э, сени қара-ю, чўчкавоз! – деди Ганя бирдан қувнаб. – Ма, учталиқни ол – бориб бир шиша опке. Чўққаларингнигнинг соғлиги... иннайкейин... ҳам тортмаслигинг учун ичамиз.

Рус тилидан
Саиджало Саидмуродов
таржимаси

ЯКШАНБА КҲН КАМПИРЧА




Василий ШУКШИН
(1929–1974), рус адиби

тўғрилад оларди... У, албатта, артист эди. Тинглочиларни шайлар, кўнглини ийдирарди. Тинч-хотиржам ўтирарди. Сўқир кўзлари (у тугма кўр эди) аллақайларга, олис-олисларга “тикиларди”. Мана шу дақиқаларда уни кузатиш қизиқ эди. Матрёна ҳуда-беҳудага тантанали томошани бузаварарди – тимирскиланиб, қақапул ташлаш учун зинага алюмин дўлча чина кўяр, негадир гулдор кашмири шолпуёмолни ярашса-ярашмаси – ахир, ёш қизча эмас – бошиға ташлаб оларди... Матрёнага кўп ҳам эътибор беришмасди. Ганяга назар солишарди. Кутиб туришарди. У эса аста, сипогина йўталиб оларди-да, бошини салгина ҳам қилиб, ёлғиз ўзигина кўрадиган олисларга “тикилганча”, бошларди...

Анча-мунча қўшиқ биларди. Ҳаммаси уруш, зиндон, етимчалар, дайдилар ҳақида бўларди... Орасида “диний”лари ҳам чиқиб қоларди, бироқ ортдан “қизил” қўшиқлар янграрди. Ёқмаси, илтимос қилишарди:
– Ган, оёқсиз ҳақидагини бошла.

Ганя мехрибон Художондан ақални тушида бўлсаям оёқчалар ато этишини сўраган, юриш қанақа бўлишини биллишини жуда-жуда истаган оёқсиз (қизалоқ) ҳақидагисини қуйлаб кетарди...
Хотин-халаж ҳиқиллашга тушарди. Матрёна ҳам кашмири шолпуёмолнинг бир учига кўзёшларини артиб оларди. Ким билсин, балки жұрттага қилгандир. У илоннинг ёғини ялаганлардан эди.
Ганя “сибмаҳлағ”чилар (Сибир лагерлари маҳкумлари) ҳақида, қочилишни эплаган сургун ҳақида куйларди; ўша қочоқ қочишга қочибди-ю, қаёққа боришни билмай боши қотибди, чун-



Хикоя

– Сиз, амаки... кўзга ёш келтир-воряпсиз-ку. Шўхроғидан чалсангиз бўлмайдингизми?!
– Ҳе, занғарлар, – дили оғриди Ганянинг. – Эҳ, кўп нарсаи тушунасанлар-да!

Шартта гармонини йиғиштириб, қолчигига соларди-да, Матрёна билан яна олға кетишарди... Лекин борган сари ахвол чатоқлашаварди.
Шундан кейин Ганя дайдишни бас қилди.

Матрёна икковлон тоғ этагидаги чоққина кулбада туришарди. Матрёна полизда куймаланарди. Ганя нимага унашани билмасди. Ичадиган одат чиқарди. Ўзларининг ерларида Матрёна билан ит-мушук бўлиб олишарди.
– Нафсингга ўт тушсин! – шанғилларди Матрёна. – Ичиб адо қилсан нафақангни, кейин икки бармоғимизни бурнимизга текиб ўтираверамизми?! Хумқалланг ишлайдими ўзи ёки

тортадиган бўлди.
– Мен сизларга масхарабозмасман, яллама-ёрим қилишларинг учун тингир-тингир чалиб бергани. Ўқдингларми? Энди патефонларинг бор – ўшанинг ногорасига ўйнайверинглар.
Бир сафар қишлоқ идорасидан ёшлар келиб-кетишди (афтидан, Матрёна ҳаллослаб бориб шикоят қилган), юрак ютиб оғиз очишди:
– Сиз шунақа бир... кўзи ожизлар жамияти борлигини эшитгандирсиз...
– Ана ўшаққа бориб ёзилинглар, – деди Ганя. – Менга шу ер ҳам бўлавереди. Анави... менинг... унга айтиб қўйинглар: яна бир марта идорама-идора чопадиган бўлса, оёқларини синдираман.
– Нега шунақасиз-а?
– Қанақа?
– Сизга яхши бўлсин дейиляпти, ахир...
– Мен эсам истамайман! Улар истахса, мен истамайман! Шунақа-

Шамоллар соғиниш қўшиғин айтди



Кенгесбой КАРИМОВ

1948 йилда Чимбой туманида туғилган. 1975 йилда Нукус Давлат педагогика институтини тугатган. “Ораликлар”, “Вақт минораси”, “Унутилган ой”, “Менинг деразаларим”, “Оролдан келдим”, “Кўнгул мулки” каби шеърли китоблар муаллифи. Айти дамада Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист.

КЎКЛАМ ЁМҒИРИ

Кўкни гумбурлатиб бир оғир карвон,
Ёппа ёпирилди эллар устига.
Довули, қуюни, сели шўҳ, шодмон,
Челаклаб сув кўйди чўллар устига.

Оллоҳ марҳаматли, меҳрли ғоят,
Борлиққа “Уйғон” деб пайғоми келди.
Қумда бир гул кўрдим – кўйлайди ҳаёт,
Ёмғирда табиат илҳоми келди.

Аёз тутқунидан кўтулди дунё,
Тупроққа жон бўлди кўклам ёмғири.
Бош кўтарди қуёш нуридан гиёҳ,
Томирға қон бўлди кўклам ёмғири.

Кўпая бошлади чорва ўзидан,
Бепоян кенгликлар очади қучоқ.
Майсага интилган совлиқ изидан
Маъраб югуради барра кўзичоқ.

Чўпон дўстим!
Саҳар шошилдинг қайга?
Ўт излаб ер ҳидлар яйловда сурув.

Майсалар чиқими Қамишли уйга,
Деган уй кўнглингда солдимми ғулу?

Айвонга суяниб турган белкурак,
Юзинг ялтирайди мисли ой каби.
Сувчи дўстим тезда уйғониш керак,
Сувни сарфламасин Ҳотамтой каби.

Дехқон дўстим!
Етди дея фурсати,
Темир тулпор тонгда кишнади “дир-дир”,
Ғаниматдир кўклам вақти соати,
Қопда уруғ дилгир, далалар дилгир.

Ҳой кайвони синглим,
Овсинларингни
Сумалакка чақир, қозон кавласин.
Жамла овул-элни, кўшнилариңгни,
Баҳам қўрайлик-да кўкламнинг ошин.

Қаердасиз ёшлар,
Ошиқ-машъуқлар,
Қуюқ соя солди толлар япроғи,
Нега учрашмайсиз айтиб қўшиқлар,
Баҳор оқшомида ой тўлган чоғи?

Хей, шоир!
Кўлга ол янроқ торингни,
Чорла фариштангни, илҳом парисин.
Кўйла тўлиб-тошиб дилда борингни,
Тинглаб юракдаги дардлар арисин.

Кўклам нафасидан уйғонди гуллар,
Дарахлар кетма-кет уйғонаверди.
Уйғонди юз йил сув ичмаган чўллар,
Олам ўсма кўйиб, бўянаверди.

Уйғонди далалар, уйғонди боғлар,
Оқ қалпоғин ечиб, терлади тоғлар,
Ёмғирлар сувидан ювилди доғлар,
Ўрмонлар яшил тўн – тўёна берди.

Сувлар лойқаланиб, мавжланиб оқди,
Чўллар ҳазорисанд мунчоғин тақди,
Ўрдақ, ғоз шошилиб қанотин қоқди,
Кўллар ҳам чайқалиб тўлганаверди.

Йигит-яланг ечиб қишки кийимни,
Қиз-жувон қирмизи-яшил кийинди,
Ранглардан дил қунаб, кўзлар суюнди,
Қарилар ёшарди, ёш ёнаверди.

Тўсланди далалар, турланди эллар,
Хушбабар етказди шошқалоқ еллар,

Яхшилар орзулаб эккан ниҳоллар
Япроқ ёзиб, гулга чулганаверди.

Боши кўкка етган новча оқ терак
Осмонга устундек, заминга тиргак.
Чайқалиб, тебраниб, гувлаб, гуркираб,
Нозли қиз мисоли солланаверди.

Навбахор, нимасан? Афсунгармисан?
Опти ой қаерда эдинг? Бормисан?
Ё соғинганимдан беҳабармисан? –
Десам, қоғоқ уйиб, дўлланаверди.

АЙРОНСАН

Қувида чайқалиб, қувида тошиб,
Мой қаймоқдан айрилганга ҳайронсан.
Ота-бобом билан асрлар ошиб,
Оқлик дея номинг кетган айронсан.

Илк бор бугдой эдинг, балки ўт эдинг,
Саҳарда соғилган оппоқ сўт эдинг,
Рўзгорга барока, элга кут эдинг,
Бизнинг замоналарга етган айронсан.

Мешқобдан куйилиб қувига тушдинг,
Қуви соддан обдон таёқ еб пишдинг,
Қаймоқдан айриб, ёвғонга кўшдинг,
Минг бора элақдан утган айронсан.

Момолар келину қизни жамлаган,
Сут-қатиқ, айронни саранжомлаган,
Болаларга сузма, қурат ғамлаган,
Қиз-келиндар ҳавас қилган айронсан.

Туш пайти, айти кун қизиган вақтда,
Экинзор бошида, бугдой ўроқда,
Чайқалиб қовоқда, идилш-товоқда,
Чанқаган дехқонга дармон айронсан.

Уйдан қуруқ кетмас айрон сўраган,
Кўшнидан овулга, элга тараган,
Оқ бўлиб, ош бўлиб қунга яраган,
Ҳамиша хизматда турган айронсан.

Ушбу кун айрондан айириб мойни,
Қуви пишган келин нега камайди,
Эл урфин унутма, юртдош оғайни,
Каримтекли, жоним қурбон, айронсан.

Қорақалпоқ тилидан
Рустам МУСУРМОН
таржимаси

АЙЛАДИ

Фалак кимни сару самон айлади,
Кўнглимда ҳар кунни фйгон айлади,
Минг йил қуёш нурин тўкиб заминга,
Дашту сахро-чўлни райҳон айлади.

Оламга келтирди тоғларнинг тошин,
Одам гоҳо қулди, гоҳо тўқди ёшин,
Қаддини тик тутди, кўтарди бошин,
Эл-юрт бериб, давру даврон айлади.

Гоҳо қанотсизга зўр парвоз берди,
Кимга нозик кўнгул, яна соз берди,
Чайқалган кўлларга сўна – ғоз берди,
Яхшини гоҳо дам ёмон айлади.

Шодлик билан бирга инъом этди ғам,
Ҳасрат тўла жомда қатра қувонч кам,
Инсон тақдирида барин этиб жам,
Тагин юз минг сириң пинҳон айлади.

Кўшқанот бермади, берди забонни,
Учур хаёл берди ва берди жонни,
Ишқ берди севсин деб, Ватанни, нонни,
Яна оламларни қайҳон айлади.

Бизга ҳам дунёда навбат келибдур,
Минг файласуф уйлаб сифат берибдур,
Қисматдошлар бир ташвишга шерикдур,
Не авлодлар қаддин камон айлади.

ИНОНМА

Сўзларга инонма, сўзлар алдамчи,
Кўзларга инонма, кўзлар алдамчи,
Кўёш бўлиб боққан юзлар алдамчи,
Фақат юрагинга ишонгил, жоним!

Сўз билан суйганлар панд бериб кетар,
Кўз билан суйганлар термулиб ўтар,
Чин ошиқлар ишқнинг қадрига етар,
Фақат юрагинга ишонгил, жоним!

Баҳорда кўз ёрган япроқлар яшил,
Қузда сарғиш тортиб айланар фасл,
Тоza ишқ юракда яшар муттасил,
Фақат юрагинга ишонгил, жоним!

Бул даврон ўткинчи, ўткинчи дунё,
Орзуға роз айтар турланган само,
Севгининг ҳар они бир меҳригиё,
Фақат юрагинга ишонгил, жоним!

ҚАЛПОҒИМ

Магар дард, қайғудан бўлгансан қора
Ёки бир қушминдиг – қўқсида яра,
Иқбол дарагини мозидан сўра,
Тақдири тарихга кўчган қалпоғим.

Сени қанча мардлар кийган эса-да,
Ипагингни қизлар суйган эса-да,
Нақшинг олов, четинг қуйган эса-да,
Қорақалпоқ юртим ошган, қалпоғим.

Отинга айланган халқимнинг оти,
Эркинлик кўмсаган, туркийдир зоти,
Энг улкан мерос сен – боболар ёди,
Кийганимда кўнглим ўсган қалпоғим.

Ўлчаб кўрдим сени не-не бошларга,
Одат бўлолмадинг – афсус, ёшларга,
Кийгизайин десам ёру дўстларга,
Кўкайимни гумон кесган, қалпоғим.

Халқимнинг бошида қалпоқ чўғ каби,
Қалпоқ ҳақида сўз – қалбим матлаби,
Тўрт буржиди титрар гулларнинг лаби,
Номардлар бошидан ечган қалпоғим.

Сени бошга кийган туркийнинг ули,
Доим эркин, ёлғиз Аллоҳнинг кули,
Қатимингда талақ замон довули,
Гувиллаб-гувиллаб эсган, қалпоғим.

ҚАЙТАДИ

Кўкда “қур-қурей”лаб турналар қайтди,
Шамоллар соғиниш қўшиғин айтди,
Сени, қорақўзим, нелар мунглапти,
Мунглама, баҳоринг келади яна.

Нега кўнглинг доғли, кўзларинг ёшли,
Муҳаббат бир тотли азобдир, асли,
Гуллар гўнча боғлаб ошиқлар фасли,
Жонажон баҳоринг келади яна.

Сой бўйига бошлаб қилдек сўқмоқлар,
Тагин гул очилиб, ўйғонар боғлар,
Нафис ёмғирларга чайилиб доғлар,
Сен кутган баҳоринг келади яна.

Айтгил, вафо борми тожу тахтларда,
Тонги дардлардан кўр тунги бахтларда,
Дунёдан умидни узган вақтларда,
Соғинган баҳоринг келади яна.

Қорақалпоқ тилидан Салим АШУР
таржимаси

– Ўртоқлар! – дея бошлайди сўзини бошлиқ. – Режа деган нарсани сизларга ўйинчоқ эмас, уни тирсақка ёстиқ кўйволиб, амал оширса бўладиган. Режами, бажариш керак! Қани, режага ким қандай ҳисса қўшапти? Хўш, айтилай, Таўмурат Жаўмуратович. Тур ўриндан!

– Режа деган нарсани тушунсанг керак. Ўзинг техника хавфсизлиги муҳандиссан, маҳаллий кўмита билан хотин-қизлар кенгаши бошлиғисан, “Оний лаҳзалар” деворий газетаси муҳаррирсан. Қани, режани ўринлатиш учун қандай ҳисса қўшапсан?

– Бошлиқ Таўмуратдан жавоб кутарди. – Ҳмм, ўртоқлар! – деди Таўмурат салмоқ билан. – Ҳозирча ҳамма соғ-омон. Ҳеч кимнинг бошига беҳосдан ғишт тушиб кетмади. Ишчилар техника хавфсизлиги қодаларини тўлиқ билиб олганлари боис бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинмоқда.

– Бекор айтибсан-ей, бемаъни, – деб сўзини шартта бўлди бурамамуёлов ҳисобчи, – тунов куни автобуснинг олд эшигиндан чиқаётганимда, шу эшик қуруғ қисиб қолса, денг. Қобирғаларим қисирлаб кетди. Қани, сенинг техника хавфсизлигинг. Манави еримни ҳалигача қимирлатолмай юрибман.

– Таўмурат биратўла гапириб бўлсин энди, – бошлиқ жержиб ташлади оғиз жуфтлаб турган бошқалариням. – Маҳаллий кўмита илгор ишчиларга курортларга текин йўлланма берапти, – деб айтар-айтмас Таўмуратнинг овози шовқин-суронда йўқ бўлиб кетди.

– Сен қаёқдаги бир курортга йўлланмани деб бошингни оғритиб юргунча, бизни икки болани боғчага жойлаштир, – деди қорни олдидаги столни туртиб юбориши хавфидан ўрнидан турмаган омбор мудирини.

– Тинчланинглар! – деди бошлиқ. – Корхонамизнинг хотин-қизлар кенгаши режани бажариш учун бор имкониятини ишга солмоқда. Анча-мунча ютуқларга эришдик. Уларни айтмай ўтолмайман. Утган йили корхонамиз бўйича эркаклар билан аёллар ажримни кўп бўлса, бу йил оилалари бўлиш ажримдан анчагина ортди. Демак, корхонамизнинг хизматчилари орасида тотув оилалар кўпаймоқда...

Бирдан йиғилганлар орасидан йиғи овози эшитилди. Ҳамма хўн-хўн кўзёш тўкаётган бошлиқнинг котибасига ялт этиб қаради. Котиба қиз ҳиққиллай-ҳиққиллай деди: – Сенинг бояғи айтган гапларинг рост бўлса, бошлиғимизнинг бурунги шифоғи нега мени ташлаб кетди? Мен буни ўз вақтида хотин-қизлар кенгашининг аъзоси сифатида ўзинга маълум қилгандим. Сен бирон-бир чора кўрмадинг.


линди. Шу алебастр учун машина юборишдан олдин Таўмуратни чақириб, об-ҳавони сўрадим. У: “Қуёш чарақлаб турибди”, – деди. Мен алебастрни очик майдонга тўқтирдим. Нима бўлди? Кечаси билан ёмғир шариллаб кўйиб чиқди. Азонда қарасам, алебастр шақирлаб қотиб ётипти. Бунга ким айбдор? Албатта, Таўмурат-да. Айтганча, у ёғингарчилик бўлишини радиодан била туриб, алебастрни атай очик майдонга тўқ-

қолмасайди?” – деб у ёқдан бу ёққа изгани-изгани.

Мажлис узоқ давом этиб, одатдагидай тамом бўлди. Одатдагидай деганими Таўмуратга энг сўнгги оғохлан-тириш берилган мажлис қарори билан ўз якунига етди. Таўмурат мажлисдан сўнг ёлғиз ўзи залда қолиб, ўйга чўмди. “Ўзи нечанчи гал оғохлан-тириш беришлари? Та-а-ак, ўттиз тўққизинчиси чиқар-ов чамаси! Уч одамнинг боши бириккан мажлисдан Таўмурат

СЎКИШГА
ЎНҒАЙ ОДАМ

Хикоя



диртирган, деб ўйлайман. Шунинг учун Таўмуратга чора қўлланилишини талаб қиламан.

– Яқинда бригаданимизга бир йигит ишга келганди. Мана, икки ой бўлди, э йўқ, бе йўқ, ишга келмай қўйди. Кечаги ҳафта бозорда кўриб қолиб, ҳол-аҳвол сўрасам: “Ғишт териш хавфли экан, ишламайман”, дейди. Ёш кадр нега ишини ташлаб кетди? Бунинг сабаби бор, албатта. У ишга қараётганда, Таўмурат: “Хўшёр бўл, тепадан бошингга беҳосдан ғишт тушиб кетмасин! Эҳтиёт бўл, оёғинг замбилнинг остида қолиб кетмасин тагин”, деб кўриқтанга ўхшайди. Жон-пони чиқиб кетган бечора нима қилсин? Бригаданимиз режани бажармаётганига бевосита айбдор Таўмуратдан бошқа одам эмас. Қачон қараманг: “Э-э, бирон қор-хол бўлиб

қуруқ қолмаган. Йўқ деганда бир нуқишмаса ҳисобмас”. У сўкиш-

га ҳам, нуқишга ҳам кўникиб кетди. Кўнглига келтириб ўтирмайди. Азалдан қампағ феъли сабаб бошида кўза синсаям, “илло-билло”, деб оғиз жуфтлаб гинг демайди. Бироқ бугунги мажлис жуда оғир ботди. “Нахотки, режанинг бажарилмаётганига фақат мен айбдор бўлсам”.

– Бу қанақаси? – деб ўйлади у ичида. – Режа ўринламаса, ёмонотлик мен бўламан, ўринласа, бўрининг бари бошлиққа. Режа деган нарсани кўлимда чўмиқ қилиб шопириб ўтирган бўлсам, Менга нима зарил, шунча азоб-уқубатга қолиб?

У кўзойнагини рўмолчаси билан артди ва бирдан:

– Бўлди, бас. Дарҳол аризамни ёзиб, кетаман ишидан, – деди овозини чиқариб.

У бир парча қоғозга қинғир-қийишқ қилиб аризасини ёзди-да, бошлиқнинг олдига кирди. Лом-мим демай аризани унинг столига қўйиб, зинкийиб туриб қолди. Бошлиқ Таўмуратнинг аризасини диққат билан ўқиб,



Ўрозбой АБДУРАҲМОМОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

“хе”, деб мийғида қулди-да, дик этиб ўрнидан туриб, столини мушти билан уриб қолди:

– Аҳмоқ, мунча эркаклаган сабзига ўхшаб шумшаймасан! Худо дунёдаги бор аҳмоқгарчиликни қўшқўллаб олиб, сени яратган бўлса, ажабмас, – деди ғазаб билан.

– Энди-и, – деб маъюсланди Таўмурат, – мен ўзи сизни қора қилиб, шу ерга келувдим. Бирон-бир йиғилиш бўлмасин, ҳаммангиз айланиб келиб менга тирғалаверасизлар. Мажлис бўлмағай, ким ёмон, мен... Қисқаси, бирон-бир сўкишдан қуруқ қолмайман.

– Ана, аҳмоқлигингни қара, укам. Энг ақин одамимга “тенгак”, деб бақирсам, ёнимга тортиб насихат қилсам, бегона кўз олдида “каллаварам” деб нуқисам, нима бўпти? Мен сени ўзимнинг туғишган инимдан кўриб юрибман-а... – бошлиқнинг ҳам қўнгли бузилди. У рўмолча билан кўзларини артиб, бурнини тортиди.

– Йўқ, иним, мен сени ишдан бўшатолмайман. Бу ёққа яқинроқ кел, сенга бир сириң очай. Мен бор-ку, укам, сендай вақтимда, унданам ёш вақтимдан, мушталлигимдан тала-навериб, сиркам сув кўтармайдиган бўлиб қолганман. Бироннинг битта ортиқча галига сира тоқат қилолмайман. Сен ҳали ёшсан. Қойишу нуқийшлар, танбеху сўкишларни эшитмай туриб одам бўлмайсан. Мен ўзи бу қурилиш соҳасини жуда яхши тушунаман. Албатта, камчиликсиз иш бўлмайди. Бироқ, иним, очганини айтганда, мен сенсиз бу ерда бир дақиқаям ишлолмайман. Тушун-

дингми, иш-лол-май-ман.

– Шундайми? – ҳайрон қолди Таўмурат ўз қулоқларига ишонқирамай. – Шундай, иним. Сен кетсанг, мен кимга суянаман? Ўзи бу қурилиш деганининг бир томони доим битмай ётади. Унга кимдир жавоб бериши керак-ку!? Устимдан юқорига ёзишди. Унинг жавобиниям бериш керак. Мажлис ўтказмасанг, яна бўлмайди. Албатта, мажлисда қўрилидиган масаланинг ечимини ҳам топиш керак. Ёғин ёғиб, қурилиш материаллари келиши тўхтаб қолади. Яна жавобгарлик.

Хў-ўп, сен ўзи техника хавфсизлигигагина масъулсан. Бироқ, иним, сенга бунча ишни бекорга топшириб қўйганим йўқ. Ишда чиқиқсин, пишсин, дейман. Ишдаги камчиликлар учун кимни уришайин? Сени нуқиб, сўкиб турмасам, оғалигин қаерда қолади?

Бошлиқнинг сўзлари Таўмуратни тўққизинчидан юборди. У аризасини қайтариб олди-да, йиртиб ташлади. – Унда... унда мен ишлаверайми? – деди секин ўрнидан туриб.

– Албатта, укам, ишинга боравер. Лекин, сен сўкишга ҳам, қойишга ҳам, умуман олганда, оғохлан-тиришу ҳайфсанларга ҳам сира эътибор берма. Сўкишларини сенинг бу қулоғиндан кириб, у қулоғиндан чиқиб кетсин. Хўпми?... Айтмоқчи, эртага соат учда мажлис, сенинг масаланингни кураимиз.

– Хўп, оға, хўп. Мен ишимга бо-рақолай бўлмасам, – деб Таўмурат чиқиб кетди.

Қорақалпоқ тилидан Саидмурод
ХОЛБЕКОВ таржимаси



Александр ФАЙНБЕРГ (1939–2009), Ўзбекистон халқ шоири

ШАМОЛ

Тун. Болхонага чиқаман бир пас. Навбахор. Ҳурлилаб туради шамол.

Ёшлигу бахт-шодлик, кулфат-ғам билан, Денгизу боғларда елади бевош.

Беш дақиқа қолди: учиб кетаман, Юрак кулга тўлди, ўпка тутунга.

Бу, ахир, жуда ҳам оддий ҳақиқат, Тортқилайвермагин ёмғиршунинги.

Иллюминаторга куёш сочар нур, Радар тўлқинидан ўзади парвоз.

Ерга тегмай учар елган гилдирак, Қанотлар остидан кўтарар шамол.

Хуш қол, эй садоқат, хуш қол, хиёнат, Хуш қол, бахт ва шодлик,

САОДАТ СОҲИЛИ

Асрлар қаъридан милтирар умид Юракда огриган каби жароҳат

Мен денгизчилардан бу ҳақда сўрдим. Дедилар: – Излама, кўнглинг бўлсин тўқ.

– Ерда бўлмаса гар, балки фалақда, Балки юлдузларнинг ичида ниҳон?

Улвий БУНЁДЗОДА



Улвий Юсуф ўгли Бунёдзода 1969 йил 23 сентябрда туғилган. Урта мактабни тугатган, 1987 йилда Озарбайжон Хорижий тиллар институтининг инглиз тили факультетига ўқишга кирган.

Улвий Бунёдзодадан 200 дан ошиқ шеър, бир поэма, бир қисса, бир неча ҳикоя, уч пьеса, кўлаб мақолалар, инглиз тилидан қилинган таржималар мерос бўлиб қолди.

Кекса файласуф соҳил бўйидаги хиёбонда денгизга яқин кўйилган ўриндиқлардан бирининг ёнида тўхтади. Бармоқлари билан оқ жингалак сочларини тараб, билинар-билинмас хўрсинди. Кўзлари номаълум нуқтага қадалганча қотди.

У машҳур олим, дунёга донги кетган академик эди. Жамиятни тараққий эттириш борасида дохиёна фикрлари ила элга танилган, жилд-жилд китоб ва дарсликлар яратган эди. Ўғил-қизлари ҳам ота изидан бориб, илм йўлини танлаган эдилар. У ҳаммининг назарида бахтиёр инсон эди. Кекса файласуф ҳаммага ўхшаб фикрламасди. Ҳозир ҳам денгизга термилганча, босиб ўтган йўли, дунёи дуннинг ўткинчи ва бевафолиги ҳақида уй сурмоқда эди. – Амаки, Худо йўлига ҳайр қилинг! Кекса олимнинг қаршисида етти-саккиз ёшлар чамасидаги юпун кийинган бир бола кўл чўзиб турарди. Олим аввал нима қиларини билмай турди. Болани қувиб юборишни ҳам, беш-тўрт танга садақа бериб жўнатишни ҳам билмасди. Ноғо бу гўдак билан суҳбатлашиш, уни бу нолойиқ, йўлдан қайтариш фикри туғилди.

– Бу ёққа кел, болам! Ўтир ёнимга. Бола индамай унинг айтганини қилди. – Отинг нима? – Инсон. – Нима? Шунанга исм ҳам бўларканми? – Билмасам. – Бу исми сенга ким қўйган? Инсон ўзини танлаган эдилар. У ҳаммининг назарида бахтиёр инсон эди. Қариянинг кайфияти бузилди. У суҳбати кўр олмаслигини англаб, боланинг жавобини бериш учун чўнтак кавлади. Аксига олиб, майда тополмади. Кейин нуноқор қиёфада боланинг юзларига тикилди. Унинг нигоҳлари лоқайд

Хуш қол энди нафрат, хуш қол, муҳаббат

Қоралама... Сиртдан камтарин, факир. Бироқ қасос олар қилсанг хиёнат. Улар ҳарфларнимас, сўзинмас, ахир, Юлдузлар товушин айлар башорат.

Шоирлар, авайлаб асранг доимо, Уларда Худога сирли ришта бор. Ёдлаб олиш мумкин шеърларни, аммо Илҳом лаҳзаларин қайтармоқ душвор.

Ижодда йўлдошиси, ҳаётда қондош, Юксак парвоз айланг мисоли бургут. Ҳаётга бўлурсиз боқий замондош, Қораламаларга қўймасангиз ўт.

ҚҶШИҚ

Бу қизча беғубор булутдек эди, Олисдан янграган қўшиқдек эди. Қирғоқ. Қоя. Кема тигиз. Кўлик сочиб, сапчир денгиз. Қовоқхона ёнбошида шарманкани чалади қиз.

Гоҳо этак очар денгиз, гоҳо зурад сочар денгиз, Куйлаб кўнгли очар денгиз – Катерина... Катерина...

Тузли сувни шимиган тўр хилпирайди шамолга жур, Қумда тўрнинг қисмати шўр. Чағалайлар учади хур.

Тўлқинлар чўнг тоғдек-тоғдек. Шарманка мисли қармоқдек. Овдан қайтган денгизчилар куйга илинар чавоқдек.

Шамол кум ялар қирғоқда, ким гулхан қалар қирғоқда. Қизча куй чалар қирғоқда Катерина... Катерина... Олис-олисга бўлиб ром, боқар денгизга беором.

Том маънода Ишонч – соғинч, Соғинч-ла ишонч эрур том. Қўшиқ янгар. Сўз беомон. Ошпаз иши товоқ-қозон. Қиз кўзи – Осмондек денгиз! Қиз кўзи – Денгиздек осмон!

... Ким бўлиб қолдинг оламда? Чағалайми? Ёки қўшиқ? Лаҳзалар йўқ! Асрлар йўқ! Фақат сен борсан оламда – Катерина... Катерина... Катерина... Катерина...

Пастдан қирга, қирдан пастга Йул юрсан, толмас оёқ. Бир – картошка, икки – картошка, Учтинчи марта – пирог.

Овга чиқсанг, ўқ ота, Бахт бўлғай уч бор ато. Бир ўқ – хато, икки ўқ –хато, Учтинчи ўқ – бехато.

Бир, икки – пуч бўлса, Учинг бордир, кам дема. Гар учинг ҳам пуч бўлса, Яна тўрт бор ғам ема.

Беш бор, ўн бор, юз... йиқилсанг, Ўрингдан тур, ҳаётсан – Нолдан бошлаб санай билсанг, Сен мангу барҳаётсан.

1942 ЙИЛ. КУЗ

Томорқанда жиққа хўл Тузикнинг жун кўйлаги. Томоғимиз оч, нуқул нонуштага – лавлаг.

Томчи, томчи, чертар дўл деразанинг ойнагин. Ланг очаман, чизаман нуқта, нуқта, вергулча.

Митти-митти болалар тўп-тўп чизар одамча. Бизнинг боғчада тонгдан яна ёнмади печка.

Ўн бир метр! Ўн бир метр! Ўн бир метр! Ўн бир метр! Ўн бир метр!

Калиш оберар онам сал улгайганда менам. Ёмғир, ёмғир, чак-чак-чак.

Йиғлайди уй ойнаги. Дарё-дарё сел – кўча. Тушлиқда ҳам – лавлагай...

Кимнинг тили йўқдир, йўқ унда ҳуқуқ. Уммонлар сувига биз оғу кўшиқ. Дельфинлар отилиб қирғоққа тушди, Улса ҳам бирор сўз айтишгани йўқ.

Дараклар гапирмас, кесилар ўрмон. Тоғ бошига юан солар лоқатор. Сахро осмонда ловуллар ядро, Ёнади тили йўқ майса, ўт-ўлан.

Сув гап қайтармайди, гап қайтармас тош. Шер оловга сакрар урсанг эгиб бош. Учра қушлар ўлар тўп отганда ўқ.

Яралгандан буён бу кўхна дунё Бефарқмиз. Уятдан ўлганимиз йўқ, Не учун тил бердинг одамга, Худо?!

Аслан ишонч билан яралган жонман, Худонинг хочини унутдим зотан. Кечир мени, Ишонч, кечир даъфатан Ярадор куш каби боқдинг осмондан.

Мен шеър ёзадиган ғалча ноумид, Бир умр чорасиз май ичдим нуқул.

Қабристон қошида менга шафқат қил, Мен каби гумроҳни кечиргин, Умид.

Муқаддас Муҳаббат, сен ҳам кечиргин, Икки инсонга мен қилмадим шафқат. Овутмоқлик учун лабиндан новвот Сўзларни фаришта мисол учиргин.

СЎЗ

Поезд кечикиши оддий воқеа, Самолётни кутиб ичкади кўз. Ҳақиқий бахтсизлик, катта фожиа – Мабодо кечикса кутилётган сўз.

Сўнган гулхан узра бўлгандек пушмон, Кимсасиз кулбага боққандек маҳзун Кечиккан сўз ғариб, йиғлайди ёмон, Уни кеча қутган одамлар учун.

ЎН БИР МЕТРЛИК ЖАРИМА ТЎПИ

Тепдим бутси билан штангани мен. Туш – унамидим, нечун ҳимоячимиз бекорга йиқитди "тўққизинчи"ни?! Дарвозага кулф каби осилдим. Ҳар тепилган тўпага ўқдек отилдим. Иккала таймда ҳам зўр қалқон бўлдим.

Энди "ўн бир метр"! Энди мен ўлдим! Стадион тўла томошабин, боқ. Мен сени нақадар севардим, Омад. Бироқ тренерим нақадар нуноқ. Кўзини чирт юмиб олди валломат.

Қўл-елкаларимга тоб бераман хўб. Қайираман кўзга тушган сочинми. Мана, энди менинг пешанамдан ўп, Футбол – тақдиримсан, сила бошимини!

"Тўққизинчи" билан қичқим бирга-бир. У югуриб келди... Тўп тепди оғир! Ох, унинг зарбиди бунча қаҳр-ғам! Мен тўпни осмонга ўйнаб юбордим. Темир штангага тегиб, қобирғам зафар бурғусидек куйлаб юборди.

Тирсакини чиқарди тўп зарби – кучлик. Гўё одам эмас, айғир тепди-ёв. Фахр эт, абжирлигим! Фахр эт, эпчилигим! Кафтларимда ёнди ловв этиб олов.

Яшил майдонимда қурбон бўлай ман! Бурқакдан тўпни теп, рақиб, бўла қол! Осмонга сакрайман, ерга қулайман...

Мен тўсдим, ҳужумчи урولмади гол. Зирқираб кетди. – Ана, кетяптилар-ку!

– Бор, тез бориб, онангни қайтариб кел! – деди қариянинг ҳаяжондан нафаси бўғизга тикилиб. – Келмайдилар, олим сизни қарғадилар-ку!

– Онангни оти нима? – Наргиз. "Наргиз" – файласуф хаёлга толди. Наргиз! Бу исм файласуфнинг, виждонидаги қора доғ мисол муҳрланиб қолган. ...Саккиз йил илғари ҳеч кими йўқ, узоқ қишлоқдан келган бир қиз ўғлининг тўрига илиниб қолганди.

Албатта, ўғли ҳам бироз ёшлик қилган, ҳирсини жиловлай олмаган. Қизнинг бўйида бўп қолган... Иш ҳатто судлашгача бориб етди. "Адолат" судининг "адолат"ли қозиси машҳур файласуфнинг хўрмати юзасидан, нозик одамларнинг аралашуви туфайли "оқилона" раор чиқарди. Наргиз хўрматли бир оиланинг номига иснод туширгани, тухмат қилгани учун бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

...Кекса файласуф суд ҳукмини қайта тинглаётгандек бўлди. У сесканиб, бошини кўтарди. Бола онасининг орқасидан кетиб борарди. – Инсон! – Кекса файласуфнинг овози соҳил бўйлаб ёйилди. Бола оқраксига ўгирилиб қаради. Лекин йўлидан қайтмади. Қариянинг наздида бола билан бирга юрагининг бир парчаси узилиб бораётгандек бўлди. У она-болани орқага қайтариш учун ҳамма нарсага ҳозир эди. Лекин, Наргиздан ҳам, Инсондан ҳам у анча илғари, бундан саккиз йил муқаддам ўз ИНСОНИгини йўқотган дамдаёқ жудо бўлган эди. Инсон унинг келажаги эди. У келаганини йўқотганди. Ҳўш, унинг ўрнига нима топти? Кекса файласуф яна қўллари билан оқ сочили таради. Ўнг кўлида турган ўнталик кафтини худди чўгдек куйдирарди...



Рус тилидан Рустам МУСУРМОНОВ таржималари

Қалкиди, ҳайқирди бутун стадион, Ҳайвондай бўқирди, сўқди чангитиб. Мен эса ер тишлаб ётардим нолон, Юзимни майсага босиб, чанг ютиб.

Шамол хилпиратиб эркалар тўрни, Майсалар устида ўйнар беармон. Юрак дукуллатиб уради ерни, Ям-яшил майдонни севиб ўпарман.

...Ҳужумчи шўхрати менга не даркор, Ҳеч қачон урмасан дарвозага гол. Ўзимни нишонга кўйиб фидоқор, Жамоа шаънини асрайман ҳалоп.

Алдаб ўйнасинлар ғирром ҳар онда, Қўполлик қилсинлар уларга ҳакам болаб хўштак чалсин, мард бўл майдонда, Бутун бўл! Талофат кўрма, жамоам!

Тўп юмалаб кетди четта шошқалоқ. Фалақдан юлдузлар боқди, лол қилдим. Таблода ноль ёнди тўпдек юмалоқ, "Тўққизинчи"ни мен биру ноль қилдим.


БАРАҚ

Юлдузларни асрайди фалақ, Теран денгиз асрар дурларни. Дафтаримдан йиртилган варақ, Асрагин мен ёзган шеърларни.

Шеър – нафақат ўқимоқ, ўқмоқ, Шеър – юракда янграган товуш: Қутқаргандек тайгада сўқмоқ, Тебрангандек кўллара қамиш.

Ҳар сатрим – жон, ҳар шеърим – юрак, Ўрмон, қушлар, булутларга хеш. Дафтаримдан йиртилган варақ, Шеърларимни асра пешма-пеш. Авлодларга келмасин малол, Шеърларим ҳам чекмасин ночор, Шамол, денгиз ва япроқ мисол Нафас олсин, кулсин беғубор.

ИНСОН



Ҳикоя


бефарқ ифода йўқолмаганди. – Булмас, бор, ишингни қил, Инсон! Бола қимирламай тураверди. Қариянинг ғашн келди. Болани сўқиб, ҳайдамоқчи бўлди. Унинг кўзларида аллақандай маъхум бир учун чакнаб турарди. Бу учун қариянинг ҳам кўнглига недир кўр солгандек бўлди. Фикрдан қайтди. Ҳамон қўлида тугтиб турган пулни яна болага узатди, бу гал мулоиймлиқ билан гап қотди:

– Майли, болам, олақол. Ҳаммаси сенга! Бола пулни олиб, қариядан узоқлашди. Олим анчагача фикрини бир жойга жамломай турди. Қизик, боланинг нимаси уни ўзига бунча боғлаб олди-кин? Нега унинг юраги бирдан бу қадар юмшаб кетди? Бу марҳамат ҳиссимиди ёки ғазаб? Кимдан, нима учун ғазабланиши керак? У болани дарров жўнатиб юборганидан хийла афсусланди. Ўнгу сўлига қайрилиб қаради. Бола кўринмасди. Кейин яна бошини эгнанича ўзининг хаёлий оламига ғарқ бўлди.

...Кўп ўтмай, қадам товушларидан сергакланиб, бошини кўтарди. Қаршисида боғия болақай турарди. Аввалига қувонди, кейин таяжжубланди. Яна бир лаҳзадан сўнг ичидан ғазаб тошгандек бўлди. Болага қараб бақирди берди: – Ҳа? Яна нимага келдинг? Тинчгина ўтиргани кўясанми, йўқми?

Қария зарда билан туриб кетмоқчи бўлди. Болақай қўлини нимдош шимининг чўнтагига солиб, боғия ўнталикни чиқарди ва қарияга узатди: – Манг, амаки, олинг пулингнизи! Кекса файласуф ҳайратдан қотиб қолди. – Нега? – сўради паст овозда. – Ойим: "Обориб бер, бу одамнинг пули бизга керакмас, ўзига кафанлик олсин", дедилар.


– Онанг қани? – қариянинг юраги музлаб кетгандек бўлди. Ўрнидан турмоқчи эди, бели



Вангюш ЗИКО,
таниқли албан шоири ва таржимони

Куйлаб бергум умид қўшиғин

Асли
Албаниянинг энг маданий
шаҳарларидан бири Корчада 1931 йилда
таваллуд топган, ҳозирда эса Канадада яшаётган
шоир, ёзувчи ва адабий танқидчи Вангюш Зико олий
таълимни Москвадаги Максим Горький номидаги Адабиёт
институтинда олган. Ҳақиқий ижоди 1950 йилларда бошланган
Вангюш Зиконинг биринчи шеърини китоби 1959 йилда нашр
этилган. У уч юз йиллик рус лирикасининг тўрт жилдик анталогияси,
А.С. Пушкин лирикаси ва драмалари, Есенин, Евтушен-
конинг лирикаларининг бир неча жилдларини албан тилига
таржима қилган. Бугунга қадар унинг таржимасида 47
жилдик асарлар тўплами нашр этилган. Шоир
А.С.Пушкин номидаги олтин медаль билан
тақдирланган.



Оқшом

Оқшом тушар,
Кўз илғамас дарахтларни,
Кўринар фақат кенг осмон
Илиб олган сариқ гулларни*
Медолёндаги зарҳал ой,
Сузар тим булут ортида
Қонсиз жароҳатга-ю,
Ўшар тарқоқ хаёлга.
Ноутбук ёпдим шу он
Нафрат йўқолди охир.
Уйқуда айланар улар,
Бир неча тегиримонлар
Дон Кихот – у дунёнинг
Аҳмоқлигидан сўзлар.

Яна бир сатр

Ёзишни истар кўнгил
Аммо харф чиқди эсдан.
Бугдой-у ёввойи ўт каби
Чалқашдир бу хаёллар.
Сизга керак нозик элак,
Тозалаш-чун ёмон фикрдан.
Уйнинг бузилган эшикларин,
Қодир эмас, Дунё тузатишга.
Хаттотлик-ла ёзилган қонунларни,
Ўқимас, сира жоҳил одамлар.
Ортиқ ёзолмайман,
Қоғоз йиртиллар.
Бирок керак яна бир шеър
Ва чарм пергамент.
Ёзиш учундир
Ҳаёт изтиробларин.

Нодон тўти

Хонамда бордур, бир нодон тўти
Ўзин билагон санар, чалқаштирар дунёни.
Бир гал айтиди, аҳмоқона сўз бирдан:
Жаҳаннамда куйлар эмиш шоирлар,
Чакалакзорда яшар эмиш булбуллар.
Тикан-ла безатилган тожни,
Кийдирганмиш Тангри ва Адолатга.
Ақлдан озган тўтиқуш, дедим
Дунё ўшар ўзинга.

Севинч ТҮЛҚИНОВА
таржималари

Оддий кун

Бу кун ҳам ўтди-да кетди,
Қўлингдан учазган қуш мисол.
Мен уни эркаладим,
Вояга етказдим,
Пешонасин аста силаб,
Умид қўшигин куйладим.
Тамаки тутатган оним
Биргаликда йиғладик.
Хона тўлиб тутунга
қул қолди ўлкаларда.
Ўшал учар юлдуз,
Бирок эмасдир зарҳал,
Фалақдан туриб менга
Порлоқ кўзларин тикар.
Гар йиғлолмас экансан,
Албатта кулганинг яши
Тонгда кўришармиз албат,
Шабнам ё аёз, қоплаган маҳал.

Эгизагимни излаб

Ёлғизликда қолган онинг,
Тиллашарсан гоҳ Худо билан,
Гоҳо эса ўзинг билан.
Энди бўлса айрилиб иймондан,
Қолмоқдамиз буткул ғафлатда.
Қулоқларга тақиб қулоқчин,
Тинглармиз замонавий мусиқа.
Ойнайи жаҳон бўлса кўрсатар,
Уруш- у паракондалик ҳақида.
Дўстларни ҳеч кўрмагандек
Ноутбукни ёқамиз.
Ғам-у ташвишлардан сўзлаб,
Кўз ёшлар тўкамиз.
Уларни учратамизми дея,
Эгизагимизни излайми...

Дадамнинг ўнг қўлларидан тутиб,
катта-катта қадамларига етиб олиш
учун югуриб-югуриб кетиб борардим.
Ҳамма кийимларим янги эди: қоп-қо-
ра пойабзал, яшил рангли мактаб
формаси ва қизил рангли тарбуш.
Бирок янги кийим кийганимдан ҳис
қилаётган қувончим бутун эмасди,
чунки бугун байрам эмас, биринчи
марта мактабга ташлаб кетиладиган
куним.

Онам кетаётганимизни деразадан
кузатиб турар, вақти-вақти билан
ёрдам ўтинаётгандек улар томон
илтижолари қараб кўярдим. Боғ билан
ўралган кўча бўйлаб юриб борардик.
Йўлнинг икки томони экинлар, қуман-
жирлар, хина дарахтлари, бир неча
хурмо кўчатлари кўриниб турган бе-
поён дала эди.

– Нега энди мактаб?! – дадамни
очиқчасига сўроққа тутдим. – Бошқа
жаҳлингизни чиқарадиган ишлар
қилмайман.

– Сени у ерга жазолаш учун олиб
кетмаёйман, – дедилар дадам кулиб.
– Мактаб – жазо эмас, йигитчалар-
дан одамларга фойдаси тегадиган
ҳақиқий эркалар тарбиялайдиган
“ завод”. Дадам ва акаларингга ўх-
шашни истамайсанми ё?

Мен бу гапларига ишонмадим.
Уйимдаги қадрдон муҳитдан ажратиб
олиб, кўча бошидаги қандайдир ул-
кан, баланд деворлар билан ўралган
ҳаддан ташқари совуқ ва шафқатсиз
қалъага улоқтириб юборишларида
бирор яхшилик кўрмаётгандим.

Дарвозага етиб келганимизда ич-
кари ҳовли кўриниб турганди: кенг,
болалар ва қизлар билан тўла.

– У ёғига ўзинг бор, – дедилар да-
дам. – Болаларга қўшил. Юзингга та-
бассум кўндир ва бошқаларга ибрат
бўл.

Бироз чўчиб, қўлларига ёпишдим,
бирок дадам мулоимлик билан мени
ўзларидан нари қилдилар.

– Эркак бўл, – дедилар. – Бугун
ҳақиқий ҳаётни бошлайсан. Қайтиш
вақти бўлганида сени шу ерда кутиб
тураман.

Бир-икки қадам ташладим-у, тўх-
таб ортимга ўпирдим: ҳеч ким йўқ.
Кейин болалар ва қизларнинг юз-кў-
злари кўрина бошлади. Улардан ҳеч
бирини танимасдим, улар ҳам мени
билишмасди. Узимни йўлни йўқот-
ган бегонадек ҳис қилардим. Барча
қизиқувчан нигоҳлар менга тикилган-
ди. Бир бола мен томон яқинлашиб,
сўради:

– Сени ким олиб келди бу ёққа?

– Дадам, – дедим пичирлаб.
– Менинг дадам ўлганлар, – деди
бепарво.

Нима дейишни билмай қолдим.
Дарвоза ачинарли ғичирлаб ёпилди.
Баъзи болалар қаттиқ йиғлай бошла-
дилар. Кўнгирик чалинди. Ортидан
бир неча кишиларни эргаштириб бир
аёл келди. Уша кишилар бизни да-
ражаларга ажрата бошладилар. Уч
томондан бир неча қаватли баланд
бинолар билан ўралган кенг ҳовлида
биз ўқувчиларни қандайдир тушунар-
сиз шакл кўринишида сафлашди. Би-
ноларнинг ёғоч томли айвонларидан
бизни кузатиб туришарди.

– Бу ер сизларнинг янги уйин-
гиз, – деди ҳалиги аёл. – Бу ердаям
оналару оталар бор. Илм олишингиз
ва динингиз учун фойдали ҳамда
қизиқарли ҳамма нарса бор.
Кўзёшларингизни артиб, ҳаёт-
га кулиб юзланинглар.
Биз бу ҳақиқатларга бўй-
сундик ва бу бўйсундик мамнуниятга
ўхшаш бир нима олиб
кирдик. Бу дунёдаги ти-
рик мавжудотларнинг
бари ўзи каби мавжудот-
ларга мойил бўлади. У
маконда ўтказаятган илк
дақиқаларимиздаёқ қалбим
болалар билан илгарироқ
ўртоқ бўлишим керакдек
дўст тутинди ва қизлар-
га аввалроқ ошиқ бўли-
шим керакдек махлиё
бўлди. Хавотирга ҳеч
бир асос бўлмаган экан.
Мактаб бунчалар қизик,
хилма-хилликларга бой
бўлишини сира тасаввур
қилмагандим. Ҳар турли
ўйинлар билан вақт ўтказ-
дик: аргимчоқлар учдик, “эшак
минди”, тўпли ўйинлар ўйнадик.
Мусиқа хонасида илк қўшиқлари-
мизни куйладик. Тил бўйича ҳам илк
тушунчаларни ҳосил қилдик. Турли
қитъаю мамлакатларни акс эттирган
айланма ер шарини кўрдик. Рақам-
ларни ўргандик. Бутун коинотни
яратган Зот нозил қилган қиссалар-
ни ўқиб беришди, У яратган бу дунё
ва охират ҳақида гапириб беришди,
Унинг сўзларидан баъзиларини тинг-
ладик. Мазали таомлар тановул қи-
либ, бироз мизғиб олар, сўнгра дўст-
лик, муҳаббат, ўйинлар ва илм олиш
учун уйғонар эдик.

Сафар йўлимиз бизга ўзини ошқор
қилишда давом этаркан, ҳарқалай,
Бундан ташқари, бировнинг фик-
рини ўзгартиришга уриниш вақти
тугаб кетган ва уй номили жаннатга
қайтиш борасида гап-сўз бўлиши
мумкинмасди. Қаршимизда қийинчи-
лик, машаққат ва саботдан бошқаси
йўқ. Эплонганлар ўзининг ғам-андух
билан ўраб қўйилганини кўрсатиб ту-

уни олдин ўйлаганимиздек, бутунлай
ёқимли, туманлардан холи топмадик.
Чанг-тўзон ортоқлаган шамоллар ва
кутилмаган ҳодисалар бирданга буй
кўрсатиб қолар, шунинг учун зимма-
мизда сергак бўлиб, ҳамма нарсага
тайёр туриш ва жуда сабрли бўлиш
юкланганди. У ер нуқул ўйин-қулги,
лақиллаб юришлар эмас, балки рақо-
бат оғриқ, нафрат олиб келиши, ке-
лишмовчиликлар келтириб чиқариши
мумкин эди. Ҳалиги аёл баъзан та-
бассум билан юрса ҳам, баъзида қош
чимириб, бошимиздан ҳақоратлар
ёғдирарди. Ҳатто кўпинча жисмоний
жазо ҳам қўллаб турарди.

радиган омад ва бахт имкониятлари-
ни қўлдан бой беришмади.

Кун ўтиб, мактаб вақти тулаганини
билдирувчи кўнгирик чалинди. Болалардан
иборат оломон қайта очиб
қўйилган дарвозага қараб ўзини олди.
Дўстларим ва севиклиларимга хайр
айтиб, дарвозадан чиқдим. Атрофга
кўз югуртириб, шу ерда кутиб туриш-
ваёда берган дадамнинг изларини
ҳам тополмадим. Бир четга ўтиб, кута
бошладим. Самарасиз узоқ кутишдан
сўнг уйга ўзим боришга қарор қил-
дим. Бир-икки қадам ташладим ҳам-
ки, олдимдан ўрта ёшлардаги киши
ўтиб қолди. Бирданга уни танишим-

УМР

Ҳикоя



ни англа-
дим. Юзида
табассум билан ол-
димга келди, қўл бериб кўришаркан:
– Охирги бор кўришганимизга
анча бўлибди, қандайсан? – деди.
Бош силкиб гапларини тасдиқла-
ган бўлдим ва:
– Ўзингиз-чи, ўзингиз яхшимисиз?
– деб сўрадим.
– Кўриб турганингдек, унчалик ях-



Нажиб МАХФУЗ (1911–2006),
Миср адиби, Нобель мукофоти совриндори

шимас, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!
Яна бир бор қўлимни сиқиб,
узоқлашиб кетди. Бир неча одим
юриб, хайратдан донг қотиб қолдим.
Ё Аллоҳ! Боғлар билан ўралган кўча
қани?! Қаерга ғойиб бўлди?! Қачон-
дан бу транспорт воситалари кўча-
ларни эгаллаб улгурибди? Қачон
инсониятнинг бу тўдаси ер юзини
босиб олишга улгурди? Қачон унинг
икки томони чиқинди уюмлари билан
тўла қолди?! Йўл четларига туташган
далалар қани? Ҳамма ёқни баланд
бинолар эгаллаб олган, кўча болалар
билан тўлиб кетган, кучли шовқин ҳа-
вони титратар эди. Ён атрофда кўз-
бойлогичлар турли томошалар кўрса-
тар, бўм-бўш саватчаларда илонлар
пайдо қилиб берад эди. Яна бир жа-
моа олдида масхарабозлар ва тош
кўтарувчи полвонлар билан юриб,
цирк очилаётганини эълон қиларди.
Марказий хафсизлик хизмати аскар-
лари билан тўлган ҳарбий юк маши-
наси улғуворлик билан ўтиб борарди.
Ўт учирини машинасининг баланд си-
ренаси янгради, лекин қаттиқ аланга-
ланган ёнғин томон етиб олиш учун
йўлни қандай ёриб ўтиши номаълум.
Такси ҳайдовчиси билан йўловчи ми-
жоз ўртасида жанжал авжига чиқиб,
йўловчининг аёли ёрдам сўраб

қичқирар, лекин ҳеч ким жавоб бер-
мас эди. Аллоҳим! Мен буткул довди-
раб қолдим, бошим айлана бошлади.
Жинни бўлиб қолишимга бир баҳя
қолди. Ярим кунда – эрта тонгдан
кўёш ботгунча қанақасига шунча нар-
са ўзгариб кетиши мумкин?! Бунинг
жавобини уйда отам билан ахтара-
ман. Лекин... уйим қаерда эди ўзи?!
Атрофда баланд бинолар, тўп-тўп
одамлардан бошқа кўринмай-
ди. Боғлар ва Абу Худа ўртасидаги
чорраҳа томон юрдим. Уйга бориш
учун Абу Худани кесиб ўтишим керак
эди, лекин машиналар оқими юришга
имкон қолдирмасди. Ўт ўчириш ма-
шинаси тошбақадек юриб бораркан,
унинг сиренаси энг юқори баландлик-
да чийилларди. Ўзимга ўзим: “Олов
ўзи ютиб юбораётган нарсалардан
роҳатланиб олсин”, дердим. Тоқатим
тоқ бўлиб, йўлдан қандай ўтиб олиш-
ни ўйлардим. Уша ерда кўп туриб
қолдим, ҳатто бурчакда жойлашган
кийим дазмоллаб берадиган марказ
ходими бўлмиш бир йигитча олдимга
келди. Менга қўл узатиб, илтифот бил-
лан шундай деди:
– Келинг, отахон, йўлдан ўтказиб
қўяй.

Шаҳноза КАРИМОВА таржимаси

ТУРКИЁНА РУХ ВА ОЗАРБАЙЖОН МУҲАББАТИ



Элмур ГУЛИЕВ,
профессор, доктор,
Озарбайжон давлат педагогика университети,
Туркология маркази турк адабиёти бўлими mudiri

Қарийб 30 йилдан дабён кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиёти муаммоларини тадқиқ этиш билан шуғулланаман. Тадқиқотларим натижасида ўзбек адабиётининг қадимийлиги ва бойлигини, бу адабиётнинг нафақат Марказий Осиё, балки Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳам катта адабий-маданий воқеа сифатида маъқулланиб, қабул қилинишини кузатдим. Хусусан, туркий тилда 50 000 мисрала 4 девон, форс тилида 10 000 мисрала 1 девон, туркий тилда 25 620 мисрала "Хамса" ва 20 та илмий-фалсафий асар муаллифи сифатида танилган Алишер Навоий ундан кейинги 500 йил ичида турли адабий босқичларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим адабиёт ҳисобланади. Мен буни маънавий воқеа деб биланман. Лекин буларнинг барчаси фонидан кўп асрлик тарихга эга бўлган озарбайжон-ўзбек адабий-маданий алоқаларининг мавжудлиги муаммоларига алоҳида эътибор қаратганман, бу борада мўйайн тадқиқотлар олиб борганман. Алишер Навоийнинг Низомийга, "Хамса"га кирган шеърларида Маррали Ашрафга, "Мажонис ун-нафоис"ида Шоҳ Қосим Анварга муносабатидан тортиб, 500 йиллик давр ичида ўзбек маънавиятида озарбайжон руҳига бўлган ҳурмат ва муҳаббат беқиёсдир. Зулфиянинг Самад Вурғунга бўлган чуқур ҳурматида гувоҳимиз. Замонавий саҳнада албатта, бундай алоқа ва яқинлик бошқа туркий халқларда ҳам мавжуд. Чунки бир илдизга эга бўлган турк халқлари ҳар хил ҳудудда, турли минтақаларда, ҳатто муҳитда яшасалар ҳам, бир хил маънавий-ахлоқий қадриятлардан, бир хил баъдий тафаккур ҳеч қачон узоқ бўлмаган.

1991 йилда Озарбайжон ва Ўзбекистонда миллий истиқлолнинг тикланиши икки қардош халқ ўртасидаги алоқаларнинг барча жабҳалар қатори адабий муҳитда ҳам кенгай-

ишига туртки бўлди. Минг йиллар давомида бир хил баъдий дид ва маънавий издошлари бўлган озарбайжон ва ўзбек адаблари ҳар икки халқнинг маънавий-ахлоқий бирлигини мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилдилар. Хусусан, 1988 йилдан кейин Озарбайжон дуч келган Қорабоғ муаммолари даврида биз ватанимиздан, кўчирилиш ҳақидаги фарёдимиздан, бир миллион қочқиннинг яшаш жойидан ва ҳоказолардан айрилдик ва кўплаб ўзбек адабларининг бу масалаларга нисбатан ички туйғуларини қардошлик ришталарининг энг ёрқин кўрсаткичи деб ҳисоблаш мумкин. Қорабоғ минтақасининг ўзбек адабиётига у ёки бу даражада қўшилишида бу жараённинг узлуксизлиги муҳим роль ўйнади. Турк миллий мутаассиблиги ва қардошлик муносабатлари натижасида ўзбек адаблари ўзларининг баъдий ёндашувларида Озарбайжоннинг 30 йил давомида бошдан кечирган фожиаларини қайғу ва изтироб билан, 44 кунлик урушдаги муваффақият ва галабаларимизни эса катта қувонч билан ифодадилар. Замонавий ўзбек адабиётининг таниқли шоираси Хосият Рустам ижодининг бу йўналиши унинг ижодида Озарбайжонга муҳаббат намён бўлганининг инъикосидир. Бу мавзу, энг аввало, Хосият Рустам ижоди учун ижтимоий-сиёсий хусусиятга эга. Озарбайжон дардини дарддек, шодлигини шодликдек бошдан кечирган Хосият Рустам ўзининг шеърли мулохазалари билан ўзига юқланган ишни муносиб уддалай олди. Қизиги шундаки, шоир мавзуга четдан қараб эмас, ичдан ҳис қилиб ёзган:

*Менинг Озарлардан ўртоқларим кўп,
Дўстликда уларда йўқдир каму-кўст!
Уларнинг ҳар бири Ватанга содиқ –
Ярим йўлда ташлаб кетмайдиган дўст!
Фақат бир илтимос эсинда турсин,
Тилинга чиқарма битта каломни.
Биргина "Қорабоғ" деган сўз билан
Титроққа соласан Озарбайжонни!*

Бу шеърларида шоирнинг муҳаббат туйғулари қанчалар устунлик қилади. Мисраларда ҳукморлик қилган ишқ туйғулари анча самимий ва реалдир. Шеърда Хосият Рустам 30 йил давомида озод Қорабоғ гоёси билан яшаб, ғанимдан нафратланган қаҳрамонларимиз мисолида она Ватанга садоқат, душманга нафрат руҳининг улғуворлигини ифодалайди. Қорабоғ озодлиги учун нафақат жанг қилиш, балки ўлиш ҳам керак. Хосият Рустамнинг ўзига хослиги шундаки, у ҳис-туйғуларининг улғулиги туйфайли қалбидан юрт меҳри ила озар халқи билан бирга яшайди. Бу фазилатни атоқли ўзбек шоираси Хосият Рустам ижоди учун тасодиф деб билмайман.

Шоира 2009 йилда ўзининг "Кундалик"ларида: "Бошқача яшай ол-

масдим", – деб ёзган эди. У қалбидидаги муҳаббат манбасини шундай изоҳлайди: "Агар менда шеър ёзишга муҳаббат ва ибодат бўлмаганида эди, мен муҳаббат нималигини билмасдим, яхшилиқни сезмай ўтиб кетардим".

Хосият Рустам қалбидидаги бу улғуворлиқни унинг шеърларида аёл образи билан боғлаш тўғрироқ бўлади, деб ўйлайман. Чунки туркий шеърининг фаришталари (Меҳсатихоним, Нотавон, Нигор Рафибейли, Лейлохоним, Фотма Алия, Холида Нусрат, Зулфия ва бошқалар) юзлаб йиллар давомида шеърининг санъатига қўшган ҳиссаларининг таъсири ва давоми сифатида яшаётгандек у. Хосият Рустам ижодида Озарбайжон мавзуси унинг шоир-фуқаролик позицияси натижасида намён бўлади. Бу ердаги миллий-маънавий туйғулар, миллий психологик вазиятлар шоира бугунги куннинг қадрига етиш, келажак қарашларини шакллантириш имконини беради. Бошқа нуқтаи назардан қараганда, шоира шеърининг Озарбайжон образининг ранг-баранг ифодалари ўзбек адабиётига, ўзбек-озарбайжон қардошлигига, айни пайтда туркий бирлигимизга, туронлик йўлига хизмат сифатида қимматлидир. Хосият Рустамнинг Озарбайжонга муҳаббат ва меҳр билан ёзилган "Исми Лала эди у қизнинг" номли кичик поэмасини унинг ижоди билан бир қаторда Озарбайжонга бўлган севгининг дурдона асаридея бўлиши мумкин. Шеърни озарбайжон тилига таниқли туркшунос, профессионал таржимон, кадрдон дўст Акбар Қўшали ва Раҳмат Бобожон, Элшан Азим таржима қилган. Шеър Лала тилсолида арман ваҳшичилиги оқибатида ўз ватанидан, киндик қони тўкилган улқасидан кўчирилган ватандошларимизнинг фожиали ҳаётини ифодалаган марҳума депутатимиз Ганира Пашаеванинг сўзларини эслаб ўтсак: "Асарда сюжет чизиги ниҳоятда қизиқ. Шеърда гўдақлик чоғида ўз уйдан кўчган соғинчнинг энг нозик тафсилотлари ўзгача баъдийлик билан ифода қилинган. Ҳар бир сатрда шоир қалбнинг бетизгин уриши, аёл сезгирлигининг нафислиги, шоир қаламининг мўъжизаси кўринади".

Бироз юқорида адабий тафсилот сифатида Хосият Рустам ижодида хос нафислик ва эртакларга хос хусусиятлар мавжудлиги ҳақида гапирдим. Шундай экан, шеърда шоирани ўзига хос она сифатида ҳам қўришимиз мумкин. Шоирнинг Лалага муносабати, унинг тилсолида содир бўлган воқеаларнинг таъсиричанлиги ва самимийлигини уйғотадиган айни лаҳза ҳақида ўйлашга арзийди. Шоир

ра арман шафқатсизлиги ва душманлиги қурбони бўлган Лаланинг ўзига совға қилинган қўғирчи ва хотира китобида ёзилганларни ўз тақдири, дарди даражасида кўради. Ушбу ёндашув доирасида Лаланинг ўзидан каттароқ оғриғи унинг руҳига ўтиши мумкин:

*Лала, қаердасан?
Хаёлим кетган –
Айтгандай, кечаси,
Сизда ярим тун!
Ҳамма ишларимни суриб бир четга,
Сен билан гаплашсам келмоқда буеун.
Сенга теғармикан озроқ ёрдамим,
Чиқиб қолармисан яна йўлимдан!
Дафтаринг ичидан топиб олганим –
Сенинг кўнгуригинг турар қўлимда!
Қачондир топаман!
Буеун ё эрта –
Бу икки дунёни кезиб дарбадар.
Сен учун шоколад қидириб кетган –
Акангани тополсам бераман хабар!*

"Исми Лала эди у қизнинг" шеърининг шоиранинг қалбидида ҳукморлик қилган туйғуларнинг ўзига хос ифодаси муштараклиқни чуқурлаштириди, ранг-баранг мотивлар бир-бирини алмаштиради. Шоир умид ва аймон симфониясини уйғунликда қуйлай олади:

*Озар тупроғида дарахтлар ғамгин,
Шамоллар доғ солар чопиб ҳар ёнга.
Ҳаёт, сен озгина қил унга раҳм,
Юрагини қайтар Озарбайжонга!
Эсиндан чиққаним кулеу – кўлмайсан,
Мурғак вужудинда дунё чилпарчин.
Ердан бош кўтарган ҳар қандай майса,
Жангга тайёрланар Қорабоғ учун!
Ғурурдан улғаяр. Ўсар улғу ном –
Қанча оч кўзларни бормоқда янчи!
Озарбайжонда ҳар тугилган ўлгон –
Орият жангига шай турган жангчи!*

Хосият Рустам опис Ўзбекистонда яшасанда, ўзи яратган сўз ва нур кўприғи орқали Озарбайжонга келади ва шу заминни зиёрат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бироқ улғу шоиримиз Маммад Араз қалб кўзи билан айтганидек, мана шу заминга маънавий боғлиқ бўлгани учун "Озарбайжон оламида дунёга назар ташлайди".

Хосият Рустам Озарбайжонга бўлган муносабатда катта олижанобликни, бола соддалиги доирасида оналик меҳрини кўрсатиб, адолатга давлатни шоирона ифодалайди:

*Узоқда бўлсам ҳам тинч эмасман мен,
Хотиржам эмасман ҳатто тушимда.
Қаердадир уруш бошланди, деса –
Туйғус Озарбайжон келар эсимга!
Мозорлар ҳам ҳар хил, қабрлар ҳам хил,
Мамлакатлар ҳам хил қолар кўзинда!
Менга Она каби Озарбайжоннинг,
Жуфт-жуфт қабрлари кетмас кўзимдан!*

Шеърнинг бош сатрини Лала ҳақидаги фикрлар ташкил этади. Маммад

Хосият Рустам бу шеърни 2020 йил июль ойида Товуздаги жангларда ёзгани учун ўқувчи Товуз жангларидан ҳам баъдий маълумот шаклида хабардор бўлади. Қорабоғдан олисда жойлашган бу ҳудуддаги арман провокацияларини эслаб, уларнинг озарбайжон халқи ва давлатимизга бўлган адоватини, асоссиас ер давволарини, шу билан бирга, мафкур арман характери кўрсатишни мақсад қилган. Дарҳақиқат, бу жангнинг Лаланинг ўтмиши ва умуман, тақдирига ҳеч қандай алоқаси бўлмасда-да, шоира инсон тақдири ҳалокати ва фожиасида уруш сабабларини ҳақли равишда ёритади.

Шоира бутун асар давомида кўтарилган масалаларни Лала тақдири фониди баҳолашга ҳаракат қилади. Муаллиф Озарбайжонда Лала исми қиз билан танишади, лекин унинг тақдири ҳақидаги фикрларини Тошкентда яқунлайди. У Лаланинг дастларини образ сифатида ишлатса-да, Лала билан бўлган учрашувларини тушида ҳаммиша қайта давом эттиради, тушида у билан тез-тез учрашиб туради. Шеърда учраган "Лала, қаердасан?", "Лала, мен сени тўлиқ тушунман", "Исми Лала эди у қизнинг" ва ҳоказо. Мурожат ва ахборот характеридаги шеърини мисоллардаги гоё Лалани ҳам, Озарбайжонни ҳам ўз ичига олади. Муаллиф уларни мақсадига қараб гоҳ образ, гоҳ тимсол сифатида жонлантириб, шоирнинг санъат ичидаги ўрнини кўрсатиб берди:

*"Илтимос, бир ўқиб кўринг, жан бажим",
Бу овоз кўксимда ётарди ботиб.
Эртаси эрталаб Тошкентга қайтдим –
Бир учоқ оғриқни елкама ортиб.
Титрадим. Ток уреан эди дафъатан –
Унутиб дунёни, жумла-жаҳонни.
Бутун дарди билан, йўлғиси билан,
Мен кучиб йўлғим Озарбайжонни!
Исми Лала эди у қизинг...*

Ёки:

*У жавоб бермади, кўзини юмди.
Шунда кўриб қолдим.
Сунди беҳол –
Қўлида бир сурат бор эди унинг.
Исми Лала эди у қизинг...
Суратни қўлимга олиб қарардим,
Бир ўлгон сурати...
Нур тўла зиё.
Авеал тушунмадим, сўнгра англадим –
Нафас ололмасдан қолди бу дунё!
Лалага қарардим – кўзим тортди нам,
У эса гўжимлаб турарди жонни.
Мен шу кун бир дунё йўлғиси билан
Кучоқлаб турардим Озарбайжонни.
Исми Лала эди у қизинг!*

Сўз билан абадий саёхат қилишда давом этаётган шоира "Исми Лала эди у қизнинг" шеърини Лалани барча изтироблари билан бирга Озар-

байжон гўзали сифатида кўрсатишни асло ўз зиммасига олмайди. Бироқ Лаланинг бу гўзаллиги орасида унинг ички галаёнлари туйфайли юзага келган қайғу бизга ҳаётини манзарани эслатади:

*Исми Лала эди у қизинг...
Ўзи ҳам озарлар каби чиройли –
Қошлари қайрилган, кўзлари хумор.
Устида кўйлаги қирмизи шойи,
Сочлари паршон, лаблари гулнор!
Исми Лала эди у қизинг...
Уни кўргим келар ўшандан буён,
Эспайман, ярамга сепилгандай туз.
Аммо, ёшга тўла кўзлари билан,
У икки дунёга боқади маънос.
Исми Лала эди у қизинг!*

Хосият Рустам ижодида лирик туйғуларнинг бетақдор тараннум этилиши муҳим ўрин тутди: булар ижтимоий-сиёсий, севги, табиат ва бошқа шеърларида лирик туйғулар тарзида ҳаёт ва маънавият омилларини талқин қила олади.

Бу шеърларда янги услуб, янги ўзига хослик сезилмасда-да, мисраларда баъдий мукаммал поэтик жозибани кузатиш мумкин:

ВАҚТ

*Яшашга ҳеч қимдан
Олмайман рухсат,
Дунёни шар каби олдим қўлимга.
Худойим, фақат Сен
Журъат бер, журъат –
Ўзимни кўрсатиб кўяй ўлимга.
Тамом.
Ўтган умрим чиқди эсимдан,
Ўзоқ яшамоқни қилганимда аҳд.
Турли бахоналар,
Дашнонлар билан –
Менинг ишончимни оқламади Вақт!*

Аммо Хосият Рустам шеърининг баъдий образли тафаккури билан бирга, шеърининг ўзига хос талқин қилиш сифати билан ҳам ажралиб турадиган мисоллар бор:

*Дарахтлар гапирса –
Рост гапирсади,
Дарахтлар йўлғаси –
Йўлғайди чиндан,
Сирлашсане...
Сирини я яширади,
Ишонсане –
Яхши дўст чиқади ундан.*

Ўзбек шеърининг бой анъаналаридан бахраманд бўлган, туркий баъдий тафаккурнинг ўйлантирувчи, ибратли фазилатлари билан ажралиб турадиган Хосият Рустам ижоди бундан кейин ҳам ўз муваффақиятлари билан ўз ўқувчиларини ҳали кўп хурсанд қилади, деб ўйлайман.

2023 йил. Боку

1. БИЛИМНИГИЗНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Китоб мутлоасининг энг муҳим афзалликларидан бири шундаки, у инсонларнинг билим савиясини кенгайтиради. Китоб ўқиш давомида сиз нафақат илм-фандан, балки, адабиёт, санъат, технология, турли мавзу ва соҳага оид маълумотлар билан ошно бўласиз.

2. ЛУҒАВИЙ БОЙЛИКНИ ОШИРАДИ

Инсонлар билан мулоқот чоғида сиз уларнинг муомала маданияти, нутқи алоҳида эътибор берасиз. Китоб мутлоаси билан шуғулланганидан инсонлар адабий тил меъёрларига риоя қилиш билан бирга, сўзлардан тўғри фойдалана олиш ва нутқ сўзлаш маҳоратига ҳам эга бўлишади. Китоб ўқиш давомида турли нотаниш сўзларга дуч келишининг табиий ҳол. Ушбу сўзларни ўрганиш орқали сизнинг сўз бойлигининг ривожланиши ва тил имкониятларининг кенгайди.


3. ПЕРСПЕКТИВ ҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Мунтазам китоб мутлоа қилиш битта мавзуга турли нуқтаи назар билан, яъни турли ракурслардан қарашни ривожлантиришга ёрдам беради. Шунингдек, қизиқарли мавзуларда танқидий фикр юритиш ва ҳар қандай ҳолатнинг ҳар томонлама аҳамиятини англаб етишинингга қўмақлашади.

4. МУЛОҚОТ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Китобхон инсонлар сизнинг энг яхши сўбатдошиңиздир. Сабаби улар ҳар қандай мавзунинг аҳамиятини тушуниш билан бирга,

КИТОБ МУТОЛАА ҚИЛИШНИНГ 10 ҲОҲИ



Инсон учун энг сеvimли машғулотлардан бири бу китоб ўқиш ҳисобланади. Тадқиқот натижаларига кўра, кўп китоб ўқийдиган инсонларнинг ақлий фаолияти мутлоа қилмайдиган инсонларга нисбатан жуда юқори кўрсаткични ташкил этади. Китоб мутлоаси бу эстетик завқ бўлиб, муаллифнинг сеҳрли олами, унинг ҳаёт йўли, шунингдек, маҳоратини намён этади. Айрим инсонлар учун китоб мутлоаси – бу сеvimли машғулот ва ўйин-кулгидан халос бўлишнинг энг аjoyиб шакли ҳисобланади. Аммо шунга қарамай, охириги пайтда китобхонлик маданияти сезиларли даражада пасайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, технологиянинг ривожланиши ва турли хил қўнғилочлар машғулотларнинг оммалашшига боғлиқ. Шу сабабли китобхонликнинг энг асосий 10 та ҲОҲИ ҳақида маълумот беришни жонз топдим.

зарур вазиятларда фикр билдиришни ҳам билладилар. Бу орқали улар сўхбатдошга иjobий таассурот қолдирадидилар. Китобдан олинган билимлар ёзма ва оғзаки шаклдаги мулоқот қобилиятини оширади.

5. СТРЕССНИ КАМАЙТИРАДИ

Олимларнинг тадқиқот натижаларига кўра, китоб мутлоаси стрессни камайтиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Стресс пайтда психологлар мижозларга китоб мутлоа қилишни тавсия беришади. Хусусан, 2009 йилда Сассе университетида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, мутлоа ёрдамида стрессни 68 фоизгача камайтириш мумкин.

6. ЁЗИШ ҚОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ

Мутлоа инсоннинг билим даражаси, дунёқарашини кенгайтиради. Шу сабаб, китобхон инсонларда ёзиш кўникмаси жуда яхши шаклланади. Эътибор берсангиз, зиёли ҳамда ижод соҳасидаги инсонлар доимий равишда мутлоа билан банд бўлишади. Бу уларнинг ушбу қобилиятини ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

7. ИНСОНЛАРНИ БИЛИШ ДАРАЖАНГИЗНИ ОШИРАДИ

Китобларни, айниқса, таржима ҳол ва автобиографияларни мутлоа қилиш орқали сиз кўплаб иқтидор эгалари, машҳур ин-



сонлар, давлат раҳбарлари ва ўзининг сеvimли ижодкорингиз билан гойибона учрашасиз. Уларнинг ҳаёти билан танишиш давомида сизда матонат, ҳаётини қарашлар, чидамиллик каби хусусиятлар шаклланади. Шунингдек, ушбу асарлар китобхонга мақсади йўлида ҳаракат қилиш учун сабаблар кўрсатиб, мотивациясини оширади.

8. ИНСОНЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИ

Китобхонлар ўртасида тез-тез учрашувлар бўлиб туриши, турли тадбирлар уюштирилиши ҳақида барчамиз хабардормиз. Китобхонлик клубларини ташкил этиш орқали билимли ёшлар бирлашди ва ўзаро фикр алмашишади. Бу янги гоғлар ва иқтидорларининг вужудга келишига туртки бўлади.

9. МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ КЎНИКМАСИНИ ОШИРАДИ

Китобдаги воқеалар сизни турли вазиятлар ва ноқулай ҳолатлардан хабардор қилади. Мутлоа давомида қаҳрамонларнинг муаммоларини ҳал қилиши, ҳаётдаги тўсиқларга қарамай, олға ҳаракатланиши, хиссиётга берилмасдан қарорлар қабул қилиши ва қийин вазиятларда қўлайдиган режалари билан танишасиз. Шунингдек, уларнинг ҳатолари сабабли вужудга келган муаммолар сизнинг хулоса чиқаришингизга қўмақлашади. Бу эса қийин вазиятларда қарор қабул қилишининг ва муаммони бартараф қилиш қобилиятининг ривожлантиради.

10. БАЪДИЙ ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

Мутлоа сизни турли вазиятлари ва ҳолатларни ҳис қилишингизга имконият яратиб беради. Ўқиш давомида сарғуашт, романтик, шубҳа, ҳазил, хиёнат, дўстлик саҳналари акс этган воқеалар сизга аjoyиб завқ ва иштиёқ бағишлайди.

*Китоб мутлоаси юқорида санаганларимиздан ташқари сизга кенг дунёқараш ҳамда порлоқ келажак учун йўлланмани ҳам тақдим этади. Китобхонликни ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантириб, унинг буғуни аҳволини яхшилашимиз даркор. Бу орқали биз ўзимиз ва юртимиз келжакка ғамхўрлик қилган ҳисобланамиз.
Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Буеун 1 та китоб ўқиган одам эртга 10 та телефон ўйнаган одамни бошқаради".*

Отабек УСМОНОВ,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси

Шоир Ғулом Мирзо –
60 ёшда

Булар сингари оригинал ташбеҳлар Ғулом Мирзо ижодига хосдир. Унинг шеърларига ҳаётият хос яна бир фазилат – равонлик, оҳангдорлик, муслиқийлик. Сўзларни тўғри – заргарона аниқлик билан ишлатиш. Ғулом Мирзо шеърларида сунъийлик, тўқиб чиқариш, ясамалик йўқ. Айниқса,

ЎЗГАРАЁТГАН
БАДИИЙ ТАФАККУР

Давр – тафаккур, тафаккур – даврга ўзгартирувчи, ислоҳ этувчи таъсир ўткази. Ижтимоий муҳит бадий муҳитга, бадий муҳит ижтимоий муҳитга, турмуш тафаккур, тафаккур турмушга, ҳаёт адабиётга, адабиёт ҳаётга таъсир этади. Бу таъсир мунтазамдир. Бу таъсирнинг табиати ўзгарувчи ва ўзгартирувчидир. Бу таъсир йўлига қанчалик мустақам девор қўйилмасин, шу таъсир девори йиқитади ёки дераза ойнасидан биқиқ хонага ёхуд қоронги хонадан ёруғ ташқарига тўшаётган нурдек уни еритиб ўтаверади.

Истибод йиллари шеърятнинг энг таранг пардаси шу даврнинг олтинчи йиллари ва сўнгги йиллари шеърятидир. Давр, муҳит, онг ўзгарди. Тез ўзгарди. Ўзгариш жараёни шиддат билан давом этмоқда. Бу шиддат тезлиги тафаккур ўзгариши тезлигидан анча илгарилаб кетди. Ундан-да илгариде ўзгараётган бадий тафаккур ўз тезлигиде бормоқда. Тафаккурнинг бадийлиги унинг бошқа хусусиятларидан олдинда бормоқда. Истибод йиллари шеърят деярлик ўзгаришига онг орқали таъсир этади. Мустақиллик йиллари эса шеърнинг табиатига ижтимоий муҳит орқали таъсир этмоқда. Шеър ўзгармоқда. Шеърнинг табиати ўзгараётган. Бу ўзгариш дарахнинг илдизи, шубҳасиз, жуда чуқур. “Сув”га етган. Бадий тафаккур ўзгаришининг ўсиши янги шеър дарахнинг ўстиримоқда. Аммо бу ўсиш, назаримда, узлуқсиз эмас. Балки узилган-узилган. Бу ўсиш бўғинларини жуда илғичка, лекин мустақам ришта боғлаб турибди. Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Усмон Азимнинг кейинги йиллардаги шеърлари, Абдували Қўтбиддиннинг шеърлари ҳамон янги шеърлар бўлиб турибди. Абдувоҳид Ҳайит бу манзарага ўзгариш киритишга ҳаракат қилмоқда.

Янги шеърнинг, ўзгараётган шеърнинг, айниқса, бир хусусияти Ғулом Мирзо ижодида жуда тиниқ акс этган. Бу қандай хусусият? Бадий, таъбир жоиз бўлса, шеър тафаккурнинг фақат кечинмаларга, фақат туйғуларга асосланиши, яъни дунёга ўз кўнглидан, ўз юраги ичидан қараш. Ўз қалбини, яъни ўз ҳис-туйғусини олам-жаҳондан-да каттароқ, оғирроқ, бойроқ, ранг-барангрок деб билиш. Умуман, шеърят бу борлиқни, муҳитни шахсийлаштиради. Янги шеър, жумладан, Ғулом Мирзо шахсийни, “мен”ни муҳитнинг муҳитига, борлиқнинг борлиғига эврилтиради. Янги шеър яратган катта авлод (Рауф Парфи ва бошқалар) ижодида бадият эстетикаси ижтимоий билан муносабатга кирса, бугунги янги шеърда (Абдувоҳид Ҳайит, Иқбол, Рустам Мусурмон, жумладан, Ғулом Мирзо ижодида) бадият эстетикаси ўз-ўзи билан, ўз манбаи, яъни ижодкор шахснинг ўзи, ўзининг ўй, ҳислари билан муносабатга киришади. Ғулом Мирзо аънаввий шеърдан ифода этиш сифатини, янги шеърдан мажозийлик (аслида, мажозийлик мумтоз адабиётимизга хос бўлган, истибод йиллари шеърларида хусусий тарзда мавжуд бўлса-да, умумий тарзда йўқолган эди) сифатини ўзлаштирган, у кейинги йилларнинг ижтимоий муҳитида янги шеърнинг шаклланишига ўз ижоди билан озми-кўпми ҳисса қўшаётган қаламқашлар қаторида ташбеҳ, мажоз, тимсол, ўхшатишлар воситасида ўзини ифода этади. Масалан:

Ташларимга кипригиниз ботиб ўйотдим, ёр,
Ташларингиз кипригиндан тортиб ўйотдим, ёр?
Ой билан сиз тушга қирган бир ажиб тундан кейин
Тонг қувшини олма янглиг отиб ўйотдим, ёр?

Ёки:

Эй, қошида мўйчинак ўтпаган...

Мўйчинак ўтламайди, албатта. Лекин унинг ҳаракат манзараси тасаввур этилса, у чиндан ҳам “ўтлаётган”га ўхшайди.

Ёки:

Ғанимларнинг кафтида гулдай,
Ғижим бўлиб қолур пичоқлар –
Сен майин жилмайсанг.

Ошиқлик, мафтункорлик нималарга қодир эмас! У – бир жилмайишда пичоқларни гулдай ғижимлаб ташлайдиган сеҳрли қудрат кўради.

Ёки:

Қактус соқолини олмабди ҳали...

Ёки:

Зинапо гармон бўлиб қуйлайди сени...

сўзлардан моҳирона фойдаланади у. Қуйдаги тўртликда ифода равонлигига аҳамият бериш:

Қадаҳини сундирар лола,
Кўйлақларин йирттар атиргул.
Кўпларида кемтик пилла,
Қизгалдоқ сув узатар нукул.

Ёки:

Баҳор, баҳор, эй буюк Моний,
Доволингдан томар кечмишлар...

Янги шеър фақат туйғулар, кечинмалардан иборат бўлиб қолмаётми? Қамров-кўлами торайиб, саязлашиб, таъсири сустлашмаётми?

Шундай савол пайдо бўлишининг ўзи бу тўғрида ўйлаб қўришга асос бўла олади. Ушбу саволга Ғулом Мирзо ижодидан шундай жавоб топиш мумкин:

Юр, ойда яшаймиз, малагим...

Ёки:

Пешонамизда эса туз кўп,
Яшаганимиз сари кўпроқ.

Мажоз, тимсол, ўхшатишлар шеърга гўзаллик бахш этади. Бу бадий воситалар янги шеър таркибига тобора сингиб бормоқда. Баъзан шундай бўладики, мажоз, ташбеҳларга ортиқча ошувталлик ташбеҳни шеърнинг умумий руҳидан йироқлаштириб қўяди. Ташбеҳ, мажозларни ишлатиш учунгина шеър ёзилганга ўхшайди. Ғулом Мирзо ижодида бундай эмас. Унинг шеърларида мажоз, тимсоллар шеърнинг умумий руҳини бойитади. Масалан:

Арқон судраб ўтар илонлар йўлдан,
Тошбақа осмонни кўчириб ҳалак.
Очлар иккита оқ атиргулдай,
Кўнгирут йўлида иккита пайлак.

Бу сатрларнинг ҳар бирида ташбеҳлар маржондек тизилиб келади, сатрлардан сатрларга ўсиб, шеърнинг мундарижасини гўзаллаштиради. Туйғунинг таъсир кучини оширади. Шеър манзарасини бойитади.

Ушбу хусусиятлар Ғулом Мирзо шеърятининг хос фазилатларидир.

Салим АШУР


Ўз Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг “XX аср мумтоз адабиёти” бўлими экспозициясини тўртинчи залида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Баҳодир Жалоловнинг “Шуқрулло портрети” (матю, мойбўёқ, 100x120 см., 1974 й.) асарини намойиш этилмоқда.

Портрет композициясида Шуқруллонинг сиймоси тасвирнинг олд планиде йирик ҳажмда тасвирланган. Адибнинг энгиде калта энгли ҳаворанг қўйлақ, оч қора ранг шим. У қизил курсига суяниб, чап оёғини ўнг оёғи устига қўйиб ўйчан ўтирибди. Ёзувчи чап қўлининг бармоқларини иягига тираб, қўрсаткич бармоғи билан лабларини қисиб маҳкам беркитиб олган. Унинг ўнг қўлидаги кўзойнағи оч жигарранг иш столидаги оқ қоғоз устида. Қаҳрамоннинг орқа планиде деворда Шайбонийхоннинг тасвири билан бирга учта мўъжаз расм илби қўйилган.

Ёзувчи ижод хонасида чуқур ўйга ботиб, фикр юритмоқда, кўзларининг нигоҳи маънос ва ўйчан, шу билан бирга, теран. Эллик уч ёшдаги адиб шу дамда нималар ҳақида ўйламоқда? Ҳойнаҳой, унинг ўйлари болалиги, ота-онаси, бошидан ўтказган воқеалар, кечинмалари ёнқи янги асари ҳақида бўлиши мумкин.

Шуқрулло Юсупов 1921 йили 2 сентябрда Тошкентнинг Олмазор маҳалласида зиёлилар Юсуфхўжа қори ва Зайнабхон отин оиласида дунёга келди. Бўлғуси адиб дастлабки таълимни Шайх Саъдий мактабиде олган, шундан сўнг 145-мактабда, Педагогика билим юрти (1935–1938), Низомий номидаги Тошкент педагогика институтини (1944), Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) аспирантурасида ўқиган. У меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган (1938–1945). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи (1945–1949), Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир (1945–1951, 1955–1965) бўлиб ишлаган. Ёзувчи 1951 йилда миллатчилик ва советларга қарши тарғиботда айбланиб, 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинади ва совуқ Сибирь ўлкасининг борса-келмас Норильскига сургун қилинади. У Сталин вафотидан кейин 1954 йили бутунлай оқланиб, озод этилган.

Академик Наим Каримов эътироф этганидек: “Шуқрулло ўз фикрида турадиган, ҳақ сўз, ҳалол, виждонли шоирлардан бири эди. У узоқ умри мобайнида шеърятга асло “хиёнат” қилмади. (“Шеър Мажнуни”, Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, №28, 2020 йил, 31 июль, 4-бет). Адибнинг ўзи эса қуйидаги-

ХАЛҚ ДАРДИНИ
ЖОЙЛАДИМ ДИЛГА

ларни таъкидлаган эди: “Умуман, ёзувчи халқ билан бирга бўлиши керак. Ижодкорнинг умри боқийлиги, кадр-қиммати яратган асрларида. Ўзини танимоқ эса – кимнинг авлоди эканини, ўз маданияти, ўз тарихини билмоқ, унинг қадрига етмоқдир.

Валда ФОГАСА:

АДАБИЁТ ҲЕЧ ҚАНДАЙ
ТЎСИҚНИ БИЛМАСЛИГИ КЕРАК

– Одатда, ҳар бир ижодкорни “Мен кимман?” деган савол қийнайди. Шекспир жавобни топган куни шаҳарни ташлаб, узлатни ихтиёр қилган экан. Сиз шу саволга жавоб топдингизми ёки қачон бу саволни ўзингизга беришни тўхтатдингиз?

– Бу изланиш ҳақиқатан ҳам кўплай нотинч қалбларнинг безовталанишига сабаб бўлади, табиийки, мен ҳам бундан мустасно эмасман. Саволга жавоб ижодимнинг дастлабки пайтлардан бери менга ҳамроҳ бўлиб келади. Лекин инсоний бахтсизликка бефарқ бўлиб қолганимда, у мени бўғиб қўяди. Фарқи шундаки, у энди ёшлигимни қайтаролмаслиги мени азоблайди. Етуклик бизга муайян имтиёзлар – йўналиш ва ўзига бўлган ишонч ҳиссини беради. Ўз фикрини инсоният, айниқса, овозсиз ва адолатдан маҳрум бўлган инсонлар номидан айтишга бағишлаган Валда Фогасасиз ўзини қандай тасаввур қилишимни билмасдим. Мен ҳам ҳар куни қурбонлик ҳиссини оширишни мақсад қилганман. Бусиз мен борлигимнинг маъносини кўрмаган бўлардим. Шундай экан, ўз фикрларимни шеър ёки насрда ифодалаш менга мерос бўлиб қолади.

– Адабиёт йўлидаги тўғаноқлар ва эркинлик чегараларининг қўламини, сизнингча, қарда?

– Соғлом фикр бошқаларнинг ўйлари бизникидан фарқ қилишини англаб, уларни қадрлашимиз кераклигини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан қараганда, адабиёт ҳеч қандай чегара ва тўсиқни билмаслиги керак.

– XX асрда инсоният диктатура ва турли сохта гоя ва мафкураларнинг қурбонига айланди. Бунинг оқибатида бир қанча миллатларнинг геноциди содир бўлди ва дунё материалистлар қўлидаги буюмга айланди. Бугун эса глобалистларнинг даври келди. Инсон замон ва маконда юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг тезлигини идрок этолмай қоляпти. Шу жиҳатдан, сизнингча, инсон бугунги замон қаҳрамони ё қурбоними?

– Одам табиатида бўлмаган ҳеч нарса инсон билан боғлиқ равишда содир бўлмайди. Шаҳсга келсак, ҳамма нарса ўзини қандай тутишига боғлиқ. У ўз ҳаракатларига қараб қаҳрамон ёки ёвуз бўлиши мумкин ва умуман олганда, саволдан кўриниб турибдики, одам ўзининг қурбонидир. Бу эволюцион оқимда онгнинг ҳаёти ва имо-ишоралари тақдорланади.

– Қайси ёзувчи ва шоирларнинг асарларида ўз даврининг фожиалари акс этган деб ўйлайсиз?

– “Тарихий ёзувлар бўлмагани учун” воқели ижодкор шарт-шароитга кўра фактларга бунчалик садоқат билан муносабатда бўлмаслиги мумкин, агар шундай бўлса, ўз ихтиёридаги адабий манбаларга мурожаат қилганлар. Ҳар ҳолда, айниқса, бадий асарлар ва шеърлар ҳақида гап кетганда шундай

фикрда тўхталган яхшироқ. Шу боис аксарият ижодкорда ўз даврининг руҳини сезиш мумкин.

– Америка адабиётининг йирик вакили Фолкнер ўзининг машҳур асарини бир суратдан таъсирлангани учун яратгани ҳақида ёзган. Эҳтимол шунинг учун асарни ўқиганда, улкан бир ҳайратни туясан, лекин ҳозир бу тушувча йўқлиб бораётгандай, гўё чин адабиёту маданиятнинг илгариги кўзни қамаштирувчи ёрқин нуридан хира шуъла қолганга ва милитлаб турганга ўхшайди. Шундай эмасми?

– Ҳақиқий адабиёт ва маданият. Шаҳсан мен бундай деб айтмаган бўлардим, чунки у нарсаларнинг эволюцион жараёнини ва маданий нисбийликни ҳисобга олади. Ҳатто санъат ҳам ўзгариши мумкин. Тасаввур қилайлик, янгисига мослашиш керак бўлади.

– Бугунги замонавий дунёда тараққиёт такомиллашгани, йигирма биринчи аср қаҳрамонининг ҳаёти осонлашганига қарамай, кишилик жамияти ҳеч қачон бир кусурдан халос бўлмаслигини исботлади. Уруш! Эҳтимол, инсоният тарихи – бу уруш тарихи деган гаплар ҳақиқатга яқин назаримизда. Бугун дунё саҳнасида кечаётган мантиқсиз урушлар, такомиллашган қуроллар инсон ҳаётининг қадри аҳамиятсиз бўлиб бораётганини бизга англатмоқда. Тараққиёт этган жамиятда яшаш бахт эмас, балки чинакам ҳавф-хатар эканини тобора равшанроқ кўриб турибмиз. Мана шундай қийин вазиятда адабиётнинг ўрни қарда?

– Бугунги мантиқсиз урушлар! Урушлар қачон оқилона бўлган? Ҳеч қачон! Уруш сценарийсидаги қурбонларни ҳисобга оладиган бўлсак, инсон ҳаёти ҳам бу ҳолатда мўҳим аҳамиятга эга эмас. Мен бу масалани мунозарали қилиш ниятида эмасман. Шу нуқтаи

Валда Фогаса – бразилиялик ёзувчи, шоира ва бастакор. Ижодкорнинг адабий асарлари халқаро эътирофга сазовор бўлиб, шеърлари Руминия, Россия, Швейцария, Хиндистон, Франция, Покистон, Тожикистон ва Португалия каби мамлакатларда инглиз, француз, испан ва румин тилларида антологиялар, журналлар ва халқаро веб-сайтларда чоп этилган. Ижодкор мусиқа соҳасида ҳам самарали ижод қилиб, турли услубдаги қўшиқларни қуйлаган.

назардан адабиётга келсак, адабиёт ўз ролини, бу воқеликни ҳикоя қилиш ролини яхши бажариши кутилмоқда.

– Бугун Фейсбук ва бошқа кўплай ижтимоий тармоқларда ҳар куни миллионлаб матнлар чоп қилинади. Ҳали инсоният тарихида бунча кўп матн ёзилгани йўқ. Шундай экан, бугун профессионал ёзувчи ва Шоирга қанчалик эҳтиёж мавжуд?

– Ёзув пайдо бўлганидан бери биз биламизки, инсонлар шоир-ёзувчилар каби жамиятлар эволюциясига ҳамроҳ бўлиб, дунё миқёсида содир бўлган турли ҳодисаларни, хоҳ лаваҳалар, хоҳ папируслар, хоҳ қоғоз ёки китобларда ёзиб келади, бугунги кунда рақамли технологиялар ривожини сабабли жамиятнинг турли қатламларида ўз фикрини турли тармоқлар орқали тезкор баён қилиш имконини туғилди. Улар бу борадаги вазифасини ўз маҳорати, уларга тақдим этган тезкорлик ва жасорат билан бажара олиши мумкин. Шу нуқтаи назардан барибир ижодкор фикрига, унинг муносабатига бўлган эҳтиёж барибир юқорилигича қолаверади.

НИЛУФАР таржимаси

Имомини сотмасдан ҳолисаниллоҳ яшаганман. Босиб ўтган йўлларимни ҳалдан ўтказарканман, дилимда шуқроналик ҳисси уйғонади”

Таниқли отахон ёзувчининг адабий, бадий-публицистик меросини ташкил этган саккиз жиллик “Танланган асарлари” 2014 йилда “SHARQ” НАШРИЁТ-МАТБУОТ АКЦИЯДОРЛИК БОШ ТАҲРИРИЯТИ томонидан нашр қилинди. Бу мерос ўн учта шеърини тўплам, еттига достон, еттига шеърини драма, учта хотира-роман ҳамда адабий-фалсафий мақолалардан ташкил топган “Қасосли дунё” китобларидан иборатдир. Адибнинг асарлари ўзбек, рус, турк, қозоқ, қирғиз ва қоракалпоқ тилларида чоп этилган.

Шуқрулло Юсуповнинг ижоди юқори баҳолашиб, у “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими” (1971), “Ўзбекистон халқ шоири” (1981) унвонлари, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат муқофоти, “Дустлик” (1994), “Эл-юрт хурмати” (1999), “Меҳнат шўхрати” орденлари билан тақдирланган. Адиб Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Кенгаши аъзоси эди.

Шуқрулло 2016 йилда Турк дунёси адабиётининг “Йил одами” нуфузли халқаро муқофотида сазовор бўлган.


Вужудимни тилиб тилка-тилка
Айла, виждонимни сотмайман.
Халқ дардини жойладим дилга,
Ўйла, ўлимдан ҳам қайтмайман, –

деган сатрларни шоир Шуқрулло 1938 йилда ёзган эди. (Шуқрулло, “Қасосли дунё”, Тошкент, 1994, 226-б.)

Ўзбек халқи Шуқруллога ҳалол меҳнати ва покиза виждони учун “Миллат виждони” деган юксак мақомни берди.

Атоқли адиб бир аср кўриб 2021 йил 19 июлда оламдан ўтди. Шуқруллонинг ҳоқипойи Камолон қабристони азим чинори соясининг пойида мангу қўнимини топди.

Бахтиёр ТИРОВ,
Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ходими



Жон ФАРНДОН,
замонавий инглиз
шоир, таржимон

Тўхтанг, тўхтанг – тўхтанг бироз!
Тўхтатиш тугмасин босайлик

Томошабинлар жим бўлишди.

Келинг бироз ортаг чекинамиз,
Бу тарғибот урушлардан .

Ҳаммамиз учун бу
Совуқ урушлардан кўра
Мен ва сизнинг орамиздаги
Ришталар муҳим.

Миллионлаб инсонлар яшар ёнма-ён
Бу инсониятнинг табиий усули.
Ривожланамиз кундан кунга
Яқин бўлиш орқали.

Хуллас, киришди кучлар
Энг ақлдан озган уйинга.
Ким йўқ қилиши мумкин
Дунёни ядровий армагедонда.

Ақлсизлик деб аташган
Узаро кафолатланган ҳалоқатни.
Тугатиш учун пойлашганда
Бутун ҳаётни ва инсониятни

Қуролланиш пойгаси тугаган бўлиши мумкин
Лекин биз бунга ишонтира оламизми?
Бироқ ўзаро ишончли ҳалоқат
Биз билан янада яқинроқ.

Зарба, зарба, зарба!
Тўлқинлар келмоқда.
Сабрсиз медиа наشريёти:



Нилуфар Рухиллаева
– Ўзбекистон Миллий уни-
верситети хорижий фило-
логия факультети 2-босқич
талабаси. Нилуфарнинг шу
кунга қадар ижод намунала-
ри, жумладан, публицистик
мақолалари, шеърлари
ва таржималари “Ўзбеки-
стон адабиёти ва санъати”,
“Китоб дунёси” газетаси,
шунингдек, Америка, Буюк
Британия, Индонезия,
Тайланд, Туркия, Хитой,
Либерия, Қозоғистон, Қирғи-
зистон, Бангладеш, Австра-
лия, Ҳиндистон, Африка,
Покистон, Миср, Эрон каби
давлатларда chop этилиб,
Интернет нашрлари саҳи-
фаларидан жой олган. Шуну
эътироф этиш керакки, Ни-
луфар Рухиллаеванинг ин-
глиз ва турк тилларига тар-
жима қилган тўртта тўплами
китоб ҳолида нашр этилиб,
Amazon.com, Morawa, Thrift
books, Foyles, IBS.it, Mighty
Ape, Saxo, Fidan Kitap, eBay,
Bkmkitap, KitapSahaf.net,
Payot, Libreria Universitaria,
Babil.com каби машхур
интернет сайтларига жой-
ланган. Биз келгусида ёш
ижодкор, тиним билмас
таржимон қиз Нилуфарга
улкан ижодий зафарлар
тилаб, маърифат йўлидаги
изланишлари, меҳнатла-
ри сира зое кетмасин деб
қоламиз.

Биз бошқарган ва тақсимлаган дунё Бошимизни ташвишга тўлдирар

Янги молиявий инқироз

Энг кучли ташвиқотнинг
Чуқур илдизи бордир,
Ҳақиқатга бурилиш
Бунга яққол мисолдир.

Фикр ва қарашларимиз ўсар
Яратилган атом бомбадек,
Ўсар қийноққа солинган онгимиздан
Келиб чиққан доғмадек.

Хиросомага тушди бири
Заҳарли кўзқориндек,
У дунёни тутди,
Даҳшатли бир тушдек.

Хатто эшитмагандирсиз: у ҳақда
Лек кўргансиз маккорона тарқалишин,
Ва унинг жамият-у сиёсатда шаклланишин
Ҳам бош ичида жойлашинин.

Ишонтирар бизни бешиқдан
То қабргача ёлғизлигимизга,
Биринчи рақамга интилиш –
Ўзини туттишининг ягона усулига

Биз яққа фойдали максимизлармиз
Бошқарар бизни очкўзлик мантиғи.
Қондирар бизни шахсий эҳтиёжимиз,
Имконсиздир бундан ортиғи!

Қайта-қайта буни айтишар бизга
Хабар юборишар ҳаттоки уйга,

Ит итни ер дунёда туғилгансиз,
Охир-оқибат қоласиз ёлғиз!

Рақобатга биз тайёрмиз
Қарздор нарса фақат генимиз,
Ҳар қандай меҳр никобларини
Дунёни қутқариш учун берамиз.

Шу учун иқтисодчилар иқтисодий
Бизнесни бошқаргани учун Нобель олишар.
Ва онгимиз ювилар тўлиқ –
Ишонмаслик-чун салбий фикрлилиқка.

Энг қийини унинг юрагимизга,
Киргани ҳар бир бўлагимизга.
Энди биз киммиз ва қандай
Деган саволдан қутулишимиз қийин.

Қанчалик қоронғу, қоронғу Дунё
Ёлғизлиқка бизни тобора элтар,
Биз бошқарган ва тақсимлаган дунё
Бошимизни ташвишга тўлдирар.

Томошабинлар юракни
жунбишга келтирадилар

Унинг ҳар бир ҳаракати
Энг бошидан аниқ эди.
Ҳар бир ҳаракатимизни
Абадий кўрқувга айлантирарди .

Аскарларнинг ғалати муҳаббати
Уларни ядро уруши ёқасига етаклади.
Рус назариясида айтилгандек:
Бомбалари кўп тўпланарди.

Қўрқув, яширин истилолар уруш
Янги молиявий инқироз

Ёрдам беринг, керак бизга кучли раҳбарлар!
Керак назоратни қайтиб олишимиз!
Ё аёл остига яширинайлик!
Ёки туйнуқдан паства тушайлик!

Сиқилар дунёнинг босимлари
Айтарлар ғалаба қозониш кераклигин.
Дунё билан қандай ёлғиз
Қураш бошлаш мумкин
Қичқирарлар: дин, дин, дин.

Агар сиз қилмасангиз
Келар бошқаси.
Унутарлар тез орада
Сизнинг юзингиз
Чунки бўш жой йўқ.

Қоқилиб кетсангиз агар
Сиздан бошқа ҳеч ким айбормас!
Орта қолмаслик учун –
Ўзингизга ёрдам беринг, бас.

Миянгиз етарли даражадамасдир балки,
Гўзал эмасиздир етарлича балки,
Кучли эмасиздир етарлича балки,
Ёки шунчаки кўрсиздир!

Нега юкласлик керак буни мигрантларга
Ёки айбаш керакми камбағалларни
Ёхуд қораламоқ керакми?
Эшиқдан ўтган ҳар қандай одамни.

Бизни кичик қилмайди
Буюк инсоният бўлаги бўлиш!
Чунки биз бутун танамнинг бўлаги.
Ва бир бутунимиз!

Қўрсатар илм-фан
Одамлар биринчи кундан
Майдончадаги болалар билан
Бўлишини яхши кўришин.

Ҳақиқий ғамхўрлик ва мулойимлик
Шунчалик меъёрдаки,
Шубҳа қилмаслик керак ҳеч қачон
Инсон табиатининг илиқлигига.

Қаердадир Иветта оч қолар,
Уқаси тўқ бўлиши учун.
Нина оёғидан улар,
Эски бир ёқутни тозалаш учун.

Қундалик меҳрибонликнинг кичик ҳаракатлари
Ерга мулойимлик уруғин сепар.
Момақалдиқнинг офатларида
Бизнинг ўзаро кучимиз сероб.

Лас-Вегас қоронғуликларига
Инсон севги қалқони бўлар,
Ўзини нотаниш жойга ташлар
Тепадан ёғайтганда ўқлар.

Келинг, бу ёлғон дунёни
Абадий ушлайлик биргалиқда!
Улар ҳукмронлик қилмасин ва бўлимасин
Чунки куч топамиз ёнма-ён ҳамжиҳатликда!

Нилуфар РУХИЛЛАЕВА таржимаси

Ҳисор тоғларидан бош кўрсатган қуёш
Нури Эна елкасидаги кетмонга тушиб ялт
этиб кетди.

Энанинг кўзидаги ёш қалқиб-қалқиб юзига
энарди. Эна Чармгар томонга, кетмони елка-
сида, ўлкаси тўлиб-тўлиб, пешанавот рўмоли
билан юз кўзини артиб-артиб, тез-тез юриб
борарди, кўз ёшимни бироз кўриб қолмасин,
дерди ичида – ориятли эди Эна.

– Тур деяпанг, ётаверасанми, тур ўнингдан,
деяпанг сенларга, кун пешин бўлди-ку!

Напормон ва қора тут ранга кирган маҳал
жануб вилоятларида устингда қўрпа бўлма-
са, сахарги шудрингдан эрталаблари этинг
жунжиқди.

Хусайни, султони ва қора кимининг во-
йиши остида ўртаси тахтадан иборат темир
сўри бўлиб, ердан уч-тўрт қарич баландда.

Энанг есин сенларни, сенлар турмас экан-
санлар, тур дейман, орқа (молхона)га ўт, эга-
сини ейман, деб ётибди анов моллар!

Эна беғараз қарганиш асносида эти жунжи-
киб уйғонсин учун болалари устидан кўрпа-
ни очиб ташлайди. Лекин Энада болаларим
тўйиб ухлаб олсин деган уй ҳам борки, жуда
турғизишга шайлангани ҳам йўқ.

Воҳа томонларда эналар болаларини
қарганиб яхши кўришини бир эналар эмас,
унинг болалари ҳам биларди.

Бола халқи муғомбир келганидан Эна
қарғишини эркалик билан қабул қилади, ғужа-
нак бўлиб кўрпани яна бошига чопиштиради.

Кўчалар супуриб бўлинди, шекилли, энди
супурги “ширт-ширт” овози ҳовлидан келади.

Эна ҳовли супурипти. Қум сувоқ супанинг
супурилишидан эшитилаётган овоз тобора
сўрига яқинлаб эшитилади.

– Туни билан кўш ҳайдаб чиққандай ухлай-
сан, тур, дейман, турмайсанларми? Гала хан-
ги, энди ўзингдан кўр баринг!

Энанинг овозида бироз қувноқлик бор.
Муздай пақирдаги сувдан уч тўрт ҳовуч
олиб қулоқсиз, уйқуси ярим чала муғомбир-
ларлар устига сочала қилиб сеплади. Қанча-
лик унғайсиз бўлмасин, кунда бўлмиш бу
жазони ётганлар жуда яхши биларди, ҳатто
кутиб ётади.

Озига, биқинига совуқ сув теккан ака-ука-
лар яна қайтиб жойга ётишдан умид узиб ғуд-
раниб, энани ёмон кўра, ёмон кўра бирин-ке-
тин молхонаю ҳожатхона томон кетишади.

Молхона ишларининг энага тааллуқлиси
– соғиш ишлари аллақачон қилинган, буни
бузоқчалар онасини эммай шаталоқ отиб, қу-
лоқ ва думини диккайтириб ўйнаб юрганидан
билиамиз.

Дала-дашда ўт-ўлан пишмаган пайтдаги

таппига кўқим ва нушқурд сомондан кўпроқ
кўшмаса бўлмайди, деворда турмайди, иши
қийинроқ.

Молхона деворига янги таппилар ёпилиб-
ди. Эна соғимдан кейин қилган бу ишни. Эна
буни қиш ғамини ейман, деб эмас, бу шун-
чаки унинг ёшлигидан ҳозиргача ёз кунлари-
даги одатий иши. Ён-атроф, кўни-қўшниллар
хамма шундай қилади бу томонларда.

Кўча томондан севалаб ёққан ёмғирдан
кейинги тупроқ хиди таралаяпти. Кўчалар ҳам
сув сепилиб супурилган.

Кўча ва ҳовли супурги уй ичи супургидан
фарқ қилади. Катта, хурпайган, қалин ва оғир
бўлади. Эна ҳовли супургиларни уруғидан
ўзи экади. Тиромга маҳал қирқ-элликта катта
супургидан ўзига мослаб, одам бўйи бароба-
рида қилиб ёғлаб олади. Бунда йил даво-
мида супурги сўрайдиган қўшнилларнинг ҳам
хисоби олинган.

Қўшниллар ўзларида бўлса ҳам янги, сиз-
ни супургиларингиздек тоза супурмайди-да
бизники, бизники қалингина-да, деб мактаб-
мактаб, Энани алқаб-алқаб супургисидан
олиб кетишади.

Табиатан қўли очик Эна ичидан хур-
санд бўлади. Ҳозир кўчадан тарала-
ётган ер, тупроқ хиди мана шу ҳовли
супургида супурилган, Энанинг ўзи
супурган. У ер-бу ерга сув тегиб ола
қора бўлган тозагина тупроқ кўча қор
ёмғирни айтмасча ҳар кун шундай
супурилади.

Кичкина сингил қўлида иссиқ
кулча.

– Ака, чойга келаркансизлар, –
дейди молхона ишлари билан
банд акаларига. Эна эрталаб
нон ҳам ёпибди.

Эрталаб нон ёпиш – тонг қо-
ронгисидан иш бошлаш керак
дегани... Қийини – ҳамир қориш,
айниқса, уйқунг чала бўлиб уйқу-
сираб турган бўлсанг...

Шундай бўлса-да, болалар
Энани ҳар доим хушёр, шижоат-
ли ҳолда кўрган. Ёки Эна бола-
ларининг кўзига ўзини ҳар доим
шундай дадил тутганмикин? Ас-
лида, Энанинг энаси ҳам ундан-
да ишмир, тадбирли, сабрли аёл
ўтган.

Бу ҳамма аёлларга хос хислатми
ёки фақат уруғи Барлоси шундайми?
Ундай эмасов, қўшнилларнинг бирови
кўнғирот, униси тарахли, буниси минг, нар-
гиси сарой.

Унда туркий эналарга хосми бу дадиллик,
ишмирлик, тадбирлилик?

Бундай десак агар, Энанинг Норбийи ду-
гонаси Косоннинг арабларидан-ку ёки Факия
муаллима ҳам Қозондан келган.

Масалан, Ибодат лўли авлоди ҳам Ҳин-
дистонни Муччо вилоятидан, айтмоқчи,
Шабнам янға асли Ригарни тожиги. Булар-
нинг бирови ишмирликда, тоқатда энандан
кам эмас.

Отамни энаси гап келганда “баринг бир
гўр” дегичи эди.

Энди бу аёл зотига қараб “баринг бир зўр”
деймизми?
Ховли томонга ўтганидан тандир хонадан
келаётган ноннинг хиди кайфийатининг кўта-
ради. Ёмғирдан кейинги тупроқ хиди ҳам шун-
дай, димогининг чоғ қилади.

ЭНА



“Энамга раҳмат”, ичидан ўтказди катта
ўғил.

Ака, кейин сабзига сув қўяр экансизлар, –
дейди ўша кичкина сингил. Демак, Эна сахар-
лаб сув бошлаб келган. Энам қачон турди
экан, қандай улгурди экан-а шунча ишга, ўй-
лади ака.

Қийини – сахарда сув бошлаш. Тонги сув
совуқ – шудрингдек совуқ.

Томорқангача сувни етаклаб келар экан-
сан, қўшни ҳовли қулоқларини беркитиш учун
сувга тизангача тушасан. Ариқнинг совуқ
сувиға кўникиб олгунингча ўнғайсизланасан.
Девор ости омбирдан ҳовлига қираётган сув-
нинг чамасидан Эна каттагина сув ҳайдаб
келибди. Баҳонада бир-иккита ҳамсоялар-
нинг томорқасидаги товۇққа ем бўлиб кетган,
қараб ётган бедапоёси ҳам сув ичади – са-
воб. Қўшниллар сув учун бугун Энага раҳмат
айтса керак.

Ҳисор тоғининг тўлғоғини хабарчи нур-
лар суянчи илинжида борлиққа тобора
билдиргани-билдирган.

Ҳаялламай Кўёш туғилади.
Шу дамда темирни темирга
кетма-кет урилаётган жаранг-
ли баланд овози уйқусираб
турган ака-укалардан тор-
тиб, битта- яримта ухлаб ёт-
ган ҳақ – ҳамсояларни ҳам
уйқусини қочирди. Эна колхоз
даласига ишга кетиш арафа-
сида кетмонини болға билан
тевалаб ўткирляпти.

Бу ишга укув керак.
Экилган пахта чигити май
ойида бир қарич бўлиб қолади,
оралари чопик қилинади, ўт-
кир, енгилроқ кетмон бўлиши
керак.

Энанинг кетмони шу
шовқин жаранг-журунг ораси-
да ўткир бўлди.

Опа қўлида тугунча. Ту-
гунчада бир коса сузма, кўк
пиёз, яримта иссиқ нон. Бу
Энанинг тугунчаси – даштда-
ги тушлиғи.

Эна болаларига бирма-бир
ишларни буюриб, кетмоннинг
даста томонидан тугунчани
илдирди.

Бўз этак билан ўроқ ҳам олиб-
ди, демак, Эна тушлик пайтидан
фойдаланиб болалари ўтга борга-
нида уларга ўт ўришмоқчи – хуржу-
нини тўлғазишмоқчи.



Жасурбек ЭРМАТОВ

Энанинг оёғидаги резина тош қалиш орқаси
йиртилибди. Пахта орасида йиртиқ қалишда
ишласанг, тупроғу кесақча кириб ғашинга те-
гади, ишлагандек қилмайди.

Ишига шошаётган Ота Энанинг қалишини
жуволдиз билан тикиб берди. Эна мамнун
ҳолда, барака топинг, Отаси, шуни бир ойдан
бери судраб юрмай айтсам бўларкан-ей Сиз-
га, яхши бўлди, раҳмат, деди. Мен ишга кеч
қоляман, бугун ҳув анови энг четдаги ангор-
да ишлаймиз – Чармгар тарафда, деб энди
йўл солиб турганиди, шунда Ота Энага хур-
санд қиёфада: Энаси, бугун бешинчи май-ку,
деди.

Нима бўпти бешинчи бўлса, майдаги гул-
лайдиган оқ атиргулли очилибдимми, отаси?
Яхши бўлибди-да, бу йил яна Мурод буводан
қаламчасидан олиб эканам. Энани шу тобда
эсиға келгани шугина бўлди.

Йўғ-ей, Энаси, шошма, атиргулла-
ринг ҳам гуллар, очилар эрта-индин,
шошмасанг-чи!

Беш бола энани кучди...
Чугур-чугур...
Табриклаймиз, табриклаймиз! Энажон,
эсингизда йўқми, бугун туғилган кунингиз-ку,
табриклаймиз! Энажон, табриклаймиз, бугун
ишга борманг, эна!

Табриклаймиз, табриклаймиз!
Чугур-чугур...!
Эна пешанавот рўмоли учи билан кўзини,
юзини артиб-артиб, ҳар нафасида лаблари
учиб-учиб, овози титраб-титраб эшитилар-
эшитилмас “Эсида экан, эсида экан”, деган
сўзни такрорларди...

Эна қадами одим-одим Чармгар томонга
кетиб борарди...

Чўкиб кетди сувга балиқлар

Мен дунёда энг сўнги дарвеш,
Бу ёлғизлик, ахир, жаҳаннам.

Ғайб пардасин йиртди ҳиссиёт,
Шууримда қофир ғалаён.
Мен дунёга, дунё менга ёт,
Кимлимни англади аён.

Қушга дўнди сўнги сужудим
Лочин кўзёшидан таҳорат сўраб.
Тахир майга сингди вужудим,
Шайтон ичди коса-косалаб.

Мен минг йиллик худояларимдан
Бир ишқ дая юз бурдим зинҳор.
Ва сўнгига воз кечдим диндан —
Шайх Санъондек, белимда зуннор.

Ер кўзгалди турган жойидан,
(У ҳам диндан чиққан бир порсо)
Жонқушимни сўйдим поингда,
Шарқ кўймагин менга, эй тарсо.

Йўлларимда лошим адоми,
У бадавий чўларда бадар.
Сенчи?
Мени сенга берган Худони
Танийсанми... Эй беҳабар!

ИСЁН

Рустам Эминга
Бадавий саҳрода эшилди руҳим,
Чайқалиб, вужудим сочилди ҳар ён.
Кўнглимдек ярим тун... боламини сўйдим,
Қадимий май сунди қирқ мингта шайтон.
Кенг осмон остида юрагим қонаб,
Титрадим, қақшадим. Ичди ютоқиб.
То тонгча алёр айтдим мастона,
Токи қолмагунча эсимдан оғиб.
Малойик шайтонга дўнмоқликка шай
Хар не эътиқод пуч, ақидалар бўш.
Мен фақат Худога юқундим тинмай,
Титроқ кўлларимда пайса-пайса гўшт.
Шундай пайсалади бағримни, дод-ай,
Белимда қайралган қофир бир қилич.
Пайгамбарни излаб юрган саҳрода,
Мен фақат Одамга келавердим дуч.
Ахир дарвеш болам ўтиб кетди жим,
Ямоқ кашкулга дунёни қамаб.
Энди замин узра қолди ми ҳеч қим,
Мен нечун ёлғизман, тирикман, ё Раб.
Бир маҳзун титранди бўғзимда жоним,
Сен томон узатган сувим — алқимё.
Сўйдим... мана сенга боламнинг қони,
Унга таҳорат ол, ювқисиз дунё...

қовоғимни эзар энг сўнги зиё —
Исо оёғига қоқилган чормих.
Қонимни чайқатар доғлари фаттон,
дудоклари нафис ҳилол — оламгир...
(...асли ул пари ким бу зиёфатда —
ўтиб борса битта хотамтой кампир)
Рухим ўзанидан кечган кунёқ
бошимни кўяман сўнг бор кўндага,
эртагингни бугун қизгонма, дунё,
мен даҳрий бўламан ахир эртага
ва бадар кетаман қошигдан сўзсиз —
Не увол, бўғзимга сўзлар тош қалар...
...Нихоят мен йўқман — тилсиз ва кўзсиз,
"кўнглим черковида қуйлар бошқалар"...

ИНТИХО

Мен дод дедим, етмади сабрим,
Ва Худодан қилдим гуна,
Тушов солди тилимга кибрим,
Кўзларимни ўйди ажина.
Сув уфурди юзимга осмон,
Қалиб тушди кўнглимдан тоғлар.
Кўшлар кўкка чорлади ҳар он
Томиримни заминга боғлаб.
Менга илҳақ бўлган малаклар
Тўйиб кетди охир жонидан.
Кўлимда гул — оқ капалаклар
Сафро кудси ошқозонидан.
Улар мендан тўйди. Амиман,
Карвон тинди итлари хуриб.
Осмонларга чиқдим заминдан,
Ва ер бўлдим осмонда туриб.
Кўнглимда бир бегуноҳ Аёл
Кечинишимга айтди офарин
Ва тунлари куйлади зилол
Ровийларнинг ривоятларин.
Қанот синиб, дунди симиёнга,
Товонимни ўлди қай йўллр.
Кўлим тутди (хоин дунёга
Кўл силтаган) зоҳидваши еллар.
Худо дедим, шаклоклик билан
Паст осмонни кўрдим ағдариб.
Мен яшадим. Ўлдим — суюнчи,
Пешонамни толдим ахтариб.

ИШҚ

Юрагимда қовжирайди ишқ,
Қовжирайди шу ишқдек танам.

Хиром айлар — карашмали, ноз...
Ва эрмаклар ётар кечани
Фаррухшифат битта майнавоз...

ҚАЪР

Қовурғамни симиллатган қанотларим,
Товонимни ердан узмай парвоз беринг.
Гулоб ичди кафтлариндан, эй дилбарим,
Лошим талош, ярим кўнглим сархуш менинг.
Шамолларнинг қамчисидан оқди қоним,
Илигимни шимган йўллар ҳеч битмади.
Кўзларимга сиққан саҳро издиҳоми
Томчилади, шарқиради, лек йитмади.
Карвонини ўғри урган тожирларим,
Йўлда чўллаб нобуд бўлган нортўялар,
Кўзларимга тиқиб қўйиб чодирларин,
Манглайимнинг қатларидан қон, туз ялар.
Ялдо кечам, мен малойик кўлоҳида
Зир қидириб бормоқдаман иблис дорин.
Ухлаётган париларнинг томоғидан
Искаб-искаб тамомлаган тун ифорин.
Бораялман! Унглиман бу, рўёмикан?
Кипригимга бирор томчи туш инмайди.
Бир умумрўх юлдузларни эгарлаган
Девонани икки дунё тушунмайди.
...Қовурғамни симиллатган қанотларим,
Товонимни ердан узмай парвоз беринг...

ХАДИК

Юпун булутларда сўзган қирғийдек
Пиэф? хонишида кетаман юзиб.
Кўзимга кўринган ҳар ҳужайрага
Минг йиллик кўзёшим тутаман сузиб.
Дунё аз-азалдан томошатаалаб —
Майнавоз кўнглининг найранги тинган.
Мен тагин бораман кунларим ҳадлаб,
Зақум қосасини ёпиб бошимга.
...ва сукут...
Саҳронинг бор қумин кўзимга жойлаб,
Кесилган тилимни гўжмлаб қафтим,
Бораман осмонда бир тирқиш пойлаб.
Остонада Миррих йўл тўсади:
— Ким?!
— Одамман! Дуобад кетган бир қавм!
Ва бир дуо билан Ҳақни алдаган.
Беш қуналик умрим-чун ғурбатхонада
Минг йил чора излаб юрган бандаман.
Бораман!



Фаррух ҲАСАНОВ

ПАРЧА

Юрак!
Сен қўёшдан зериккан Зардўшт,
Тунни пичирлайман қулоқларингга.
Киприклар — кўзимни ўйган падаркуш,
Ровийлик қилайин...
Сиз тинланг...
Тинланг...
Кўзларим қарига банд бўлди Юсуф,
Сарсон сўзларимни кўлди вовайло.
Чайналган тилимга лабларин босиб
Ўпиб эркалади мени сувайдо.
Бир қошиқ қонимдан кечди малойик —
Кумуш қанотлари тўралган нурдан.
Нафис аплалади аҳли ҳақойиқ,
О, руҳим яланғоч — ечилди мурдам.
Ҳушимни бурқади тушларга нафис,
У тушлар — дарвешзор ялҳохонаси.
Боғларим фирдавсий...
Йўлларим ҳафиз...
Кўнглим — Яссавийнинг чиллахонаси.
Ерда "мен"им менинг катта душманим,
Ерда лошим менинг — туби йўқ зиндон.
Ширақайф руҳимнинг абдол қушлари,
Териб чиқинг мени кофир заминдан.

БҲҲРОН

Нух лангар ташлади — синди сукунат,
Қониб сув симирди Одам илдици.
Кўйида бир илон сақлаган миллат
Барибир етмади жаннатга сузиб.

Қанча бошни кесди шафқат билмас қарх,
Қанча қонхўр қашқир қайради тишин.

РАНГЛАР СЎЗЛАГАНДА

Дунё яралиблики, инсон зоти рангин ва тасвирий оламнинг шайдоси бўлиб келади. Шу боис гўзал, рангин ва мўъжизакор чизгиларда доим яхшилик ва эзулик ҳамда гўзаллик улуғланиб келинган. Ошуфта тўйгу ва кечинмаларини, табиатнинг сеҳрли рангларини борича кўрсатиш, жиловлаштириш, гапиртириш санъати фақат мусаввирларгагина насиб этган. Бугунги кунда ана шундай таъсирчан, миллий ва тарихий асарларни яратиб келаётган иқтидорли мусаввир, Камолддин Бехзод номли бадийи расомлик ва дизайн институтининг доцент, Ўзбекистон Бадийи Академиясининг аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳимжон Ризомунхаммедов билан тасвирий санъат, унинг яратилиши ва рангин жиловли ҳақида суҳбат қилдик.

— Миллий тасвирий санъат, ранглар жипосининг уйғунлиги қачон ва қандай юзга келган?

— Тарихи бой бўлмаган давлатнинг келажак ва бошқа бўлмади. Миллий тасвирий санъат узоқ вақтлар, йиллар ва асрлар мобайнида мусаввирларнинг машаққатли меҳнати, узлуксиз изланишлари маҳсули сифатида дунёга келган ва келмоқда.



Истеъдоднинг қаноти бор, дейдилар. Чинакам истеъдод фақат юксакликка интилади ва ўзи танлаган йўлдан қайтмайди. Тасвирий санъат йўналишида Ўзбекистон Халқ рассомлари, академиклар Малик Набиев, Илҳом Жабборов, Акмал Икромжонов, Тўра Куръзов, Муборак Йўлдошев каби кўплаб салоҳиятли мусаввирлар ана шундай бетиқом образларни яратиб мушарраф бўлганлар. Бундай ютуқларнинг замирида она Ватанга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат, туғилган юртга нисбатан садоқат, ошуфта табиатимиз, борлиққа бўлган меҳр ва гўзал туйғулр ётади. Чунки бу туйғулр ижод дунёсига сайқал ва меҳр берадиган манбадир. Мусаввирларнинг ана шундай сермаҳзул ва таъсирчан асарлари бугунги кунда Ўзбекистон Давлат Санъат музейида, Ўзбекистон Миллий Банкида, замонавий Санъат галереясида, Бадийи Академия марказий кўргазмаларида, Дўрмон ва

Оқсорой қароргоҳларида, ваколатхоналарда ва бошқа нуфузли давлат идораларининг деворларида, хориж давлатлар галерея ва музейларида мухлисларни лол қолдириб келмоқда.

— Ҳозирги ўсиб келаётган ёш авлоднинг тасвирий санъат соҳасидаги изланиши ва салоҳиятлари бугунги кунда сизни қониқтирадими?

— Ҳа, фахр билан айтиш мумкинки, бугунги янги авлоднинг, давр сари одимлаётган ёшларимизнинг ҳар кун ва лаҳзалари янгилик ва изланишлардан иборат бўлмоқда. Бунга бизнинг олийгоҳда таҳсил олаётган ёшларнинг тасвирий санъат соҳасида яратётган асарлари дастлабки ётуд ва янги эскизлар бўлса-да, улар албатта бир кунни яхшигина мусаввирларга айланиб, бетақор асарлар яратишлари шубҳасиз. Чунки меҳнат ва интилишлар албатта, салоҳиятга айланади. Бу чизги ва рангларда Ватанга, устозларга, авлод-аждодаларга нисбатан фахр ва меҳр, ғурур ва сурур туйғулари уфуриб турганини ҳис этиш қийин эмас. Бу рангларда яшаш ва меҳнат завқи, интилиш ва яратиш шавқи паллак отмоқда. Ёш мусаввирларнинг қўлларида жилланган бўёқ ва ранглар, тасвирлар Ватан ва меҳр сурати ота-она ва бола тимсоли билан қоришиқ гўё. Айкиқа, ёшларнинг кўз ва сўзларида, қулгу ва қарашларида авлод-аждодаларга миннатдорлик сурати барқ ураётгани кўриниб турибди. Бу туйғу уларнинг қалбида, интилиш ва изланишларида камол топмоқда. Умуман олонда, санъат оламига кириб келаётган иқтидорли ёшларнинг расомликка иштиёқи ошиб бораётгани, уларнинг асарлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатда ўтказилаётган танловлар ва фестивалларда юқори баҳоланаётгани мамлакатимизда ижодкорларга яратилган кенг имкониятларнинг меvasи, таълим ва маданият масканларида "устоз-шоғирд" аъналарининг яхши йўлга қўйилгани туйғайди.

— Ўзингизнинг ижодий фаолиятингизда тасвирий санъат йўналишида эришилган муҳим босқич ҳақида нима дея олаҳиз?

— Менинг 1990 йиллардан 2010 йилгача чизган асарларимда яхлит ранглар уйғунлиги ва образларини яратиш жараёнида муҳим хулосаларга эришганман, деб ўйлайман. Айкиқа, 2010 йил ижодимда алоҳида ижодий бурилиш ясади. Чунки бу йилда сер-

маҳсул ижод қилиш билан бир қаторда, бир қанча буюқларимизнинг сиймоларини ҳамда машур миллий обидаларимизнинг бой тарихи чизгиларини яратишга муваффақ бўлдим. Эндиликда камтарона ижодимда фалсафий мушоҳада, тасаввур, янги ранглар ва чизгиларни қайтадан жонлантиришга, соҳада мукамалликка эришдим, деб ўйлайман. Бунинг мисолида, 1990 йилларда яратган "Наврўз", "Қулфат хайқирғи" каби кўплаб асарларим ҳалиям мухлисларни ўзига тортиси, фалсафий мушоҳада ва рангларнинг ўзгача жиловли билан уларни жалб қилаётганидан мамнунман.

— Тасвирий санъат йўналишида мусаввирнинг кайфиятига қараб рангларнинг гапириши ёки турланиши бор нарсами? Буни қандай изоҳлайсиз?



— Мен йилнинг бошидаёқ ижодий изланишларимда аввал бажарадиган ишларимнинг режасини тўзиб оламан. Жорий йилдаги режамга табиат манзаралари ва янги образларга, яхлитлик ва соддаликка кўпроқ эътибор беришни мақсад қилганман. Чунки табиат мен учун катта устоз. Буюқ мусаввир Леонардо Да Винчи "Мен устозларнинг устози сифатида ўзим учун табиати танадим", деган эди. Табиат манзараси расмом учун ижодий машқ, илҳом майдони, синов поғонаси ва изланишлар омилидир. Рангларнинг гапиришига келганда, бу бор гап. Чунки рангларнинг гапириши ёки ўзгариши аввало мусаввирнинг кайфиятига боғлиқ. Масалан, агар мен бирор нарсадан хурсанд ёки кўтаринки кайфиятда бўлсам, кўпроқ яшил, ҳаворанг, қизил рангларга мурожаат қиламан. Агар кайфиятирму тушкун ёки бирор нарсадан оғринган пайларимда, ўзим сезмаган ҳолда кўпроқ қора, тўқ ёки ботиқ рангларга, ҳаёлим паршон пайларда сариқ, жигарранг, заъфаран рангларга таянганимни сезганман. Демак, рангларни танлашда ёки суратини таъсирчанлигини яратишдаги ҳолатлар, албатта, кайфият билан боғлиқ, деб ўйлайман.

— Рангтаъсир санъати нима учун бизда хорижий давлатлардагидек даражада

машхур эмас ёки тасвирий санъатни англашга ҳаммининг ҳам иқтидори етишавермайдими?

— Бу барчанинг дилидаги савол. Сабаби, бизда тасвирий санъат асарларини тушуниш ва ўрганиш учун кўпинча малака етишмаслигига гувоҳ бўламан. Истардимки, тасвирий санъат, ўймакорлик, нақшошлик, ҳайкалтарошлик қабилар йўналишлар билан ижод қилаётган мураккаб соҳа санъаткорларига ҳам кўпроқ эътибор қаратилса, янада яхши бўлар эди. Юртимизда ташкил этиладиган тасвирий санъат кўргазмаларида кўпинча мухлисларнинг чизгиларига қараб бепарво, ҳиссиз ўтиб кетаётганларини ёки ўйлаб қолганларининг гувоҳи бўламан. Шу боис, биз халқ орасида кўпроқ тарғибот ва ташвиқот ишларини йўлга қўйиб, тасвирий санъат соҳасига нисбатан қизиқиш уйғота олишимиз лозим. Чунки тасвирий санъатда ўзига хос йўл ва оқимлар мавжуд. Масалан, авангард, реализм, сюрреализм, кубизм оқимлардан халқимиз бироқ бўлса-да хабардор бўлса, улар санъат асарларининг моҳият ва мазмунини тезда илғаб оладилар. Тасвирий асарлар шундай кучли қудратга эгаки, улар инсон онги ва шуури, тафаккурига куч-қувват олиб қиради. Масалан, деворда осилган чиройли манзарани кўрганимизда кайфиятимиз кўтарилиб, шууримизда янги куч пайдо бўлади. Бу инсон руҳиятида уйғонмаган фикрларнинг очилишига омили бўла олади.

Ривожланган давлатларда ҳар бир хонадонда санъат асарларини бўлиши аллақанда урфга кирган. Бу одат бизда ҳам кўриниб бормоқда. Масалан, илгарилари хонадонларда палак ва сўзаналар бўлган. Энди уларнингнинг ўрнини тасвирий санъат эгаллаётгани қувонарли.

— Сиз юртимиздан ташқари қайси хориж давлатларида ўз кўргазмаларингизни ўтказгансиз? Ўзингиз ва фаолиятингизда қўлга киритган мукофотларингиз ҳақида гапирсангиз.

— Мен 1977 йилда олийгоҳни тугатганимдан сўнг 1979—1984 йилларда Россия Бадийи Академиясини рантасиз йуғори ижодий устасонасининг Тошкентдаги бўлимида яна ўз билим ва тажрибамни оширдим. Ана шу пайтларда Украина, Болгария, Россия ва Канада давлатларида ўз шахсий кўргазмаларимни ўтказишга муваффақ бўлдим ва Малайзия, Россия ҳамда Канада давлатларининг диплом ҳамда сертификатлари, Ўзбекистон Бадийи Академиясининг "Кумуш" медалли билан тақдирландим. Ҳозирда "Ўзбекистонда Баҳор" туркум асарларим Россияда, "Баҳовиддин Нақшбандий" туркум асарларим Туркияда, "Имом Бухорий" туркум асарларим Малайзияда, миллий руҳ ва жило берилган "Натюрморт" туркум асарларим Италия ва Франция музейи ва галерияларида сақланмоқда.



Буюқ олим Ибн Сино портрети "Халқаро бутун дунё Хайрия Қизил Ярим Ои" ташкилотда ўз ўрнини топган. Ана шу хизмат ва меҳнатимни эътиборга олган давлатимиз 2006 йилда менга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвони билан мукофотлади. Яратган миллий ва халқона асарларим билан 2013 йилда Республика "Энг улуғ, энг азиз" танловининг ғолиби бўлдим. Уйлайманки, давлатимизнинг шундай ғамхўрлик ва имкониятлардан кенг фойдаланиб, она Ватан мавқеини, шон-шуҳратини кўтариш учун ўзимдан яхши асарларни қолдириш мен учун шарафли бурчдир.

— Ижодингиздаги фахрли онлар ҳақида гапирсангиз.

— "Камолддин Бехзод издошлари", Республика болалар ижодиёти маркази билан ҳамкорликда кўпгина танловларда ҳайъат раиси, "Ўзбекистон маданият ва Санъат форуми" жағфармасида, Ўзбекистон Бадийи Академиясининг турли тадбирларида шитиқор этганман. Ёшларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, ранг-тасвир оламига кириб келаётган ёшларга устозлик қилиш, истеъдодли ёшлар билан ишлаш, шарқ уйғониш даврининг буюқ намоёнаси Камолддин Бехзод издошларининг кўлаётганлиги биз учун фахрдир. Ҳиндистонда ўтказилган халқаро "Шанкар" танловида олтин медал ва диплом билан тақдирланганман. Муҳими, бугунги ёшларнинг ижодий ишларига адолатли баҳо бериш, уларнинг ижоди оламига қизиқтириш — мен ва мен каби устозларнинг фахрий бурчимиздир.

Марям АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Муслимбек Йўлдошев, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети доценти

одамлар ўлимни тилга олмаслиги, ўлишни истамаслиги керак. Илло, қиблагохларни қон қақшатиб кетиш қанчалик оғир азоб. Узи учун ҳам ота-она учун ҳам.

Кўксига хаёлинг турса йигилиб, Куйишни уйғотиб келса бўлади. Шоирларнинг бари ерда тугилиб, Осмону фалакда ўлади.

("Хаёл" шеърдан)

Хира шамдек кўзларимда сўнмоқда чўғ, Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб қул бўлади, Инсон бир кун ўз майлига қул бўлади.

Юрагимни тамом қилдим, Йилгайвериб, Хузуримда ажал турар қошин кериб. Мен ҳаётда ўлимга тик боқиб ўсдим...

Шунақа очик хитоб қилиш мумкинми а? Ёки:

Ана, Ажал остонамда турар пойлаб...

Ҳали бошида Онаси бўлса, кўзи йўлда, қўли дуода бўлган. Гўлдай қизлари бўлса, бахт орзусида сакрашиб юрган.

Авалло подшолар эмас, Яратган яхши курсин. Подшо ким? Берганини бердим деб миннат қиладиган ва эвазига хизмат қилдирадиган инсон.



ҳам, етти ёшдан ошган ҳар бир онгли ўзбек боласи «севимли шоирим» дерди. У эса яна ўлимни таъкидлайди мисраларида...

Асо тутмиш қанча қадди дол, Мен бир кучга тўлган навнҳол, Отам мени кўмар эхтимол...

Иброҳимга атаб ёзди, Шавкат Раҳмонга бағишлабми, Шеърларида ўлим сўзини ишлатар экан, парда остидан ўкувчи Муҳаммад Юсуфнинг ўзини кўриб туради.

Онанг ўлсин, Иброҳим, Мактадан ҳам иброғим, Ўчиб қолган чироғим, Тутаб қайда ётурсан...

Ўз ярангни ўзинанг силаб қайда ётурсан...

Шунчалик ёзганки, этинг жунжикиб кетади. Шу қадар аниқ мўлжалки, бош чаноғинг музлаб қолади. Ўлим уни қаярда толди? Марҳаматда, онаси қучоғида эмас.

Битта ҳам қизимни узатолмадим, Демак тақдир экан тўй кўрмай ўлмоқ...

Унинг юрагида улкан жароҳат бор эди. Бу жароҳати Ер юзининг буюк юрак жарроҳлари ҳам тузатолмасди. Бунини Муҳаммад Юсуф биларди. У жуда қаттиқ яхши кўрган ХАЛҚ дардида пайдо бўлган жароҳат эди.

Муҳаммадга ишонган эй, мўминлар, Ўлсам сўзим эслаб, Ўйга чўминлар, Капалақнинг қанотида кўминлар, Капалақлар одамлардан меҳрибон...

Дўстлар, дегим келар, Булманг ҳаётир, Ўзоқ яшайманг шундай ҳам ўзим, Умрим бир бог кезиб ўтағай наводир...

Сайланма саҳифаларини варақлар экансиз, бир-бирга улашиб кетган шеърларнинг жуда кўлида ўлим, ёки унга ишора борлигига имон келтирасан.

Агар ўшанда ўлмас нима бўлар эди, деб фараз қиламиз, таҳминий воқеаларни хаёл қилиб кўрамиз. Кейинги сарҳатда бошқа депутатлар қаторида у ҳам тўрт йилга Олий Мажлис депутатлигига сайланарди.

ча ўтиб кетар ва эллик ёшга етганида албатта "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини беришарди. Кейин... кейин, қизларнинг тўйини кўриб улгурмай Андижондаги отишмаларнинг, қуролсиз ватандошлари кўкси нишонга олинганининг гувоҳи бўлиб, ўлиб қўя қоларди.

Эхтимол, шу сабабли ҳам ўлимга тайёр тургандир. Эхтимол Яратган ҳам "Шу бандам" дегандир. Балки кавлий иродаси билан бўлажак қирғинни кўрмай қўя қолсин, дедимикин... Нима бўлганда ҳам, шоир ўзи сўраган, қутган нарсагини толди.

Ё қишлоғимга кетиб, ариқ лабида Яллпизга суяниб ўлиб қоламан...

Бошланишида, ўлим чиройли, шарафли, фойдали, ибратли, қаҳрамонона бўлиши мумкин экан, деган эдик. Ўлим Ватан учун, эл учун, оила ва ота-она ҳимояси учун...

Аммо, бироқ, лекин... Ёмон гапни тилга олиш яхшимас, деб ўргатишган кесалар. Уламолар ҳам яхши гумонда бўлинглар, дейишарди.

Уламолар Бобур ҳазратларидан "Ўғлингиз Хумоюн Мирзобуннинг соғайиб кетиши учун энг қимматбаҳо нарсагини садақ қилишингиз лозим" дейишганда, ўша тош билан чекланса ҳам бўлар эди.

Мен бугун ижод оламида сўз айтаётган ёшлар ичидаман. Актер, кўшиқчи, журналист, шоир, бошловчи ука-сингилларимга шу сўзини ишлатмаслигини, ундан фойдаланмаслигини, имкони бўлса унинг ноини атамаслигини таъкидлашдан чарчайман.

Дўстим, ёзар бўлсанг, самолардан ёз! Жонқиб, шумирган ҳаволардан ёз! Қўз ёшдан ёзмаган, гамдан сўз очма, Дилқаб инсонлардан, наволардан ёз!

Шундоғам умримиз тенге ярми зулмат, Ўлимни чорлама, бу сўзни ухлат, Қуноқ ёрдан елпир, ё жонбахш уфат, Хаста юракларга даволардан ёз!

Не зотлар ўрдию қайиб келмади, У ёқнинг зўрлигин айтиб келмади, Кавсар суварларни татиб келмади, Фанимат, инсоний сафолардан ёз!

Ўттиз киши бўлса, тўйхона ўша, Базму хонш бўлса, шохона ўша, Мастана суҳбат, сайхона ўша - Гулгун юз, соғару маҳоблардан ёз.

Йўқми сенга мавзу ижодим десанг, Нима бўлар шодлик гултожим десанг? Мени агар чундан устодим десанг, Тўқин-сочин, ризку раволардан ёз!

Шу сўзни кўп ёзди Муҳаммад Юсуф, Сўзни зўр танлади, мисралар тугиб... Кетмасин десанг сўз жонимни узиб, Улиммас, юз ёшли момолардан ёз!

Дард берган давосин беради, ишон, Хаста бўлсанг бу бир синовдан нишон, Дарров ўлдим дема, ёзма ҳеч қачон, Ёзсанг, мўъжизавий шифолардан ёз!

Ташбеҳ йўқми зариф қаламга олсанг, Не бўпти, шу хунук бир сўздан қолсанг? Муслим, янги шеъринг мисрага солсанг, Яйраш, яшанаш, васлу вафолардан ёз.

НИМАЙКИ СЎРАМА, БЕРИЛАДИ

Бу йил сеvimли шоиримиз Муҳаммад Юсуф ҳаёт бўлганда 70 ёша тўларди. "Шафқатсиз ўлим..." уни бевақт олиб кетди. Лекин шафқатсизми? Балки у...

Бир фотихагарчиликдаги сўхбатдан: — Манга қара, жиян, сен йиллашнинг керакмас. Шунақа ўлим топса ҳамма ҳам дўпписини банданга отсин. Менам ўн марта ўлсам рози эдим, агар шунақа ўлсам. Қарая, аканинг ўлимини чиройлилигини! Секин, ишини тугатиб, машинасини миниб, уйига бормай онасиникига етиб келибди.

Демак, ўлим ҳам чиройли бўлиши мумкин эканда... Ҳавас қилса аризгулик ўлим... Этим жунжикиб кетди! Ҳа, бўлиши мумкин... Дарвоқе, ўлим чиройли, шарафли, фойдали, ибратли, қаҳрамонона бўлиши мумкин экан.

Муҳаммад Юсуфдай шоир акамининг ўлимини кутиб, соғиниб, у билан ўртоқлашмоқчи бўлган ҳаракатлари ҳақидаги мисраларини ўқигач, бир мартагина ҳаддим сиғиб, ўзига айта олганман. «Бунақа сўзларни ёзмаган, Муҳаммаддон ака» деб. Аслида у устоз мен шогирд, у ака, мен уқасиман. Мен эмас, у менга ўргатадиган мақомда. Муҳаммаджон акам «Анжан»нинг чепани ва танти йигити. «Анжанли»лар кўча-кўйларда «Сенга уйланмасам ўзимни ўлдирман!» «Ўлиб кетсаман полончидан ўчмини оламан!», «Ёлгон гапирсам тил тортмай ўлай» қабилдаги гапларни бекорга гапирворишарди.

Ўлсам унутсанг мендай йигитни, Ёғар йўлларингга афсус-андухни, Оқ тулпордай миниб оппоқ булутни, Уйингнинг устидан ўтади Рухим.

Унга нима дейсан, бевафо ёрим?

Ўлсам унутсанг мендай йигитни, Қаро тулроқ силаб ётса курагим, Сен ўчоқ ёнида чаққан авууртни Учидан ловуллаб турса юрагим...

Шунга не дейсан, бевафо ёрим?

Сен худо эмассан, ахир, ўланма, Жонимнинг риштаси қўлида унинг, Аммо Муҳаммадсиз ўтмайди кунинг, Кел, майли, мен ўлмай, сен ҳам қўйналма,

Шунга нима дейсан, бевафо ёрим?

Шеърнинг биринчи сўзи «ўлсаму» деб бошланса-я! Умуман, ҳали онаси, отаси тирик

Қўрмаган, зртага мен ўлиб кетсам, Ётар бўлсам кумга ботиб кўзларим, Кунәлимини кўчкидай босади бир ғам, Йиллашни ҳам билмас менинг қизларим...

("Хавотир" шеърдан)

Ҳамма юлдуз менга мўлтларар, Ўлсам мени савол ўлдирар...

("Мана шу мен тугилган гўша" шеърдан)

Бош бир кун тош ёстиққа ётар, Рух тўтиси танни тарк ётар. Дейдилар ёш танламас ажал, Худо билар ким олдин кетар...

("Рух тўтиси" шеърдан)

Нега Муҳаммад Юсуф ҳар доим тунд юрган? Унинг ёнида неча маҳал юрган бўлсам, қаҳ-қаҳ отиб, баралла қулганини эшитмаганман. Нимадан сиқилган, нимадан изтироб чеккан? "Қатта"ларга гапи ёқмаган битта умми? Ҳасадгўйлари оғидан чалиб, йўқ ердаги бўҳтонларни ёғдирган ёлғиз умиди? Хоҳлаган шеърини ёза олмаган, ёзса эълон қилдирилмаган, эълон қилдирилганда эса таъна-маломатларга қолган фақат Муҳаммад Юсуфмиди? У буларни ўзбек адибларимизнинг аянчли тақдирларидан биларди-ку.

Биринчи Президент олтимиз ёшдан ошганидан кейин, бутун дунёда русум бўлган ходиса бизда йўқ қилинди. Бу вафот этган бирон-бир машҳур ва таниқли юртодошларимиз хусусида оммавий ахборот воситаларида, телевидение ё радиода бериладиган таъзия хабарлари. Эмишки, бунақа хабарлар кексайиб қолган "додда"га салбий таъсир қилармиш. Рухиятлари қақшаши мумкин эмиш! Қудратли "подшо" бўлатуриб, кекса одам, у киши ўлим ҳақида эшиттиси келмасая, ёш ҳолича, Муҳаммад Юсуф ўлим билан кунни тунга улаб гаплашса! Балки Президент атрофидагиларнинг идиёлари тўғри бўлгандир. Ҳар қалай у 80 ёшга яқин ўтди. Муҳаммад Юсуф эса 50 га ҳам етмади...

Сулувалардан сулуве бир қиз сочим силар, Менинг эса кўзларимдан ёш томчилар, Севаман деб алдар мени ёлгончилар Юрагимни йўлбарсларга едираман...

Ҳозир кўзим юаману ерга ётиб, Юрагимни суғураман қон йилғатиб, Йўлбарсчалар есин уни қасирлатиб, Юрагимни йўлбарсларга едираман.

("Юрагимни йўлбарсларга едираман" шеърдан)

...Яна шунчаки ўлим эмас, фожияли, қонли ўлим исташ... Ўша рақиблари унинг кўзига йўлбарс бўлиб, бўри бўлиб кўринганмикин... Ўша йўлбарслар еди, охири. Зўр шеърлар ёзса тақиқланган шоирлар рўйҳатига тушиб қолган бўлса эди, тушуниш мумкин эди. Бетақдор шеърлари китоб қилиб чоп эттирилмасая, ёзган асарларини биров писанд қилмасая бунга ҳам қабул қилса бўлади. Аммо Муҳаммад Юсуф ҳамма тан олган, устозлар кўксини очган, хонандалар пайдар-пай шеърларини қўшиқ қилиб турган энг олди шоир бўлса. Уни ўлимни қуйлашга даъват этиб турган у қандай қуч бўлса экан? Шунчаликки баъзи-баъзида у ҳақиқий ўлимга юз тутмоқчидай, ҳозироқ туриб бориб ажалга эргашадигандай кайфиятда ёзарди.

Тузалмайди менинг дардим, Ўлсам керак, Тулроқ билан оға-ини бўлсам керак. Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр она, Ўлгинг қаро ерга кетди хайр, она...

Тузалмас бу дардим менинг, умидим йўқ,

ҳатто ғашимизга тегарди. "Она, қўйинг, шу гапларни. Ҳали узоқ яшайсиз, қанча эваралар кўрасиз" дердим. "Энди, сўраб қўйвериб керак эканда ўлгим. Мен ўлишдан кўрқмайман. Ота-онам, бувиларим, жигарларим ҳам кетиб бўлишди. Аданг, қайнана-қайнаталарим кетганга юз йил бўлдино!.. Ман фақат узоқ ётиб қолишдан кўрқаман. Ёттулик қилмасин, елдек келиб, селдек опкетсинде, Худойим..." деб қўшиб қўярдилар. Дунёни кўрворган, яқинларини ерга беравериб кўзида ёшлари қуриган онамининг шу пурҳикмат сўзлари малол келарди. Мен "доно" нинг назаримда булар ёлгонда қандай, ўғилу келинни юрагини юмшатмоқчи бўлгандай бўлиб туюларди. Аслида менмас, ўша камтар, ожиза, муштилар ва мактабни ҳам тамомламаган онам доно, авлиёмонанд эканлар... Бунини энди, бугун, орадан кўп йиллар ўтганда билдим. Гап орасида "Она, ўладиган бўлгандан кейин, нима фарқи бор, оч ўлдими, тўқ ўлдими? Ўлган одам бунини билмайди-ку!" дердим. "Йўқ, сен "оч" деганда қорин очлигини тушунмагинда, ўлгим. Рўзгор ёмон нарса, бут бўлади, юпун бўлади. Улик чиққан уйга одамлар келади. Келиб ётиб олишарди, беш-ўн кун. Ўшанда рўзғоридан тузукроқ нарсаи бўлмагандан ҳам ёмон нарса йўқ. Кўп оғир кунларни кўрдик. Уруш даври, урушдан кейинги қийинчиликлар, одамни қадри бир ҳалта бўғдойчалик ҳам турмайдиган замонларни ўтказдик. Шуларни ўйлаб этаман бу гапларни. Адам ўлганларида тоғанг роса яхши ишда ишларди. Ўйда ҳамма нарса ортинги билан бор, жуда бисёр. Маъракаю позимандаларида ҳеч қўйналмаганмиш. Онам ўтганларида эса бугундай ақиқ бўлган. Ўша кунлар тоғанг ишсиз, рўзғоридан ҳеч вақо йўқ... Барака топгур кувёлар қараб туришмаган, аммо ўзингда бўлгани яхшидай, ўғлим" деганлари эсимда. Демак, одам ҳаётни, туққан-туғишганларини қанчалик яхши кўрмасин, барибир ўлимни ўйлаб юраркан-да! Ҳаракатини қилиб, тай-ёрганлигини кўриб, "ўлимлик"ларини тахт қилиб қўярсан!.. Аммо бу анча кейин, кексайиб, ёшлари бир жойларга борганида айтилади: ган гапу, кўриладиган тараддуд-да! Навқирон, қирчиллама қирқ ёшидаман. Нима бўлди? Онам, жаннатмакон доно онам, худди ўзлари сўраганларидай бўлиб чикди - "Мен хорижий компанияда жуда катта маошлар олиб ишлаб турган, яъни онам таъбирларича рўзгоримиз "тўқ" вақтда, ёзининг иссиқ кунларида оламдан ўтдилар. Яна қизиги, кечки овқатни еб бўлиб, оқшом чоғи салқин шабадада бирор соат ҳовлида ёнбошлаб ётиб, енгилгина мудраб ҳам турдилар. Нафас олишлари бирдан қийинлашди, то махсус "тез ёрдам" гуруҳи етиб келгунча ярим соатча муддат ичида "елдай келиб, сендай олиб кетувчи" фаришталар олиб кетишиб-қолишди.

Ҳаётнинг ўзи тўла хикмат. Фақат уларнинг қалитини ажратиб топа олесан бўлди экан. Акам раҳматли, шоири замон, миллионлар суюқлиги эса шеър оралаб ўлимни чақириб ўтди! Қуймай бўладими, ёнмай бўладими! Э, ўша шеърдаги "эффект" лариям бор бўлсин! Ҳар ким ошини ошаб, ёшнини яшаб ўтсин экан, бу дунёда. Аммо бу аламли мисраларни на унутиб бўлади, на шеър қатларидан олиб ташлаб!

Ол, дея бир кун эгам, осмонга учса руҳларим, Бир ажиб мўвий диёр бўйини қўнса руҳларим, Қўк менинг қўқим бўлур, юлдузларим аңдуҳларим, Гул ўлиб, гул ёшинув, ҳар дилда мазорим қолур, Мен кетарман, бир қуни, наволарим, зорим қолур.

Мамлакат раҳбарини яқиндан кўришга интизор ижодкорларнинг саногии йўқ. Яқинроғига борсаю, подшонинг кўзи ўзига тушганини кўрса! Уйў, бунақалар қанча! Муҳаммад ака бўлса ўша Президентнинг яхши кўрган шоири, эрка ўғли... Унвон ҳам беради, мартаба ҳам беради, депутат ҳам қилади, Академияда ҳам ўқитади... Шоир эса ўлимни соғиниб шеър ёзади.

Олдингга мен боролмасам, ўт гуноҳим, Бир йўқлаб қўй, мен дунёдан ўтган чоғим, Қабрим узра қилпираб тур, қизгалдоғим, Муҳаммаддан бўлак дўсти девонанг йўқ.



1965 йилдан то ҳозирги кунга қадар икки хил қараш очиқ-ойдин кўзга ташланарди. Бошқа ҳикоя қилинаётган адабиётда сюжет ичидан сюжет излаш ва у ҳикоя қилинувчи сюжетдан кўра кўпроқ мурасасоз сюжет мавжуддек туюларди. Демак, исёнкорлик руҳида ҳам етарлича муаммоларга бой ва албатта, ёқимли роман ёзиш мумкин экан.

Умберто ЭКО:

ПОСТМОДЕРНИЗМ, КИНОЯ, МАМНУНИЯТ

Америка постмодернизми назариётчиларининг фикрича, нафақат сюжет излаш, балки асар кўнгил овлаш вазифасини ҳам бажариши даркор.


Афсуски, "постмодернизм" атамасини қандай маъқул бўлса, шундай – исталган нарсага нисбатан қўллашмоқда. Гоҳо унинг маъносини ўтмишга олиб бориб тақашга уринишмоқда. Ҳолбуки, постмодернизм аввало баъзи ёзувчи ва санъаткорлар ижодида кейинги йигирма йил ичида кўрина бошлади. Кейин аста-секинлик билан аср боши, кейинроқ эса олис ўтмишга бориб тақалди. Яна олислашда давом этмоқда. Ҳатто Ҳомернинг ўзини ҳам постмодернист деб аташмоқда.

Умуман, постмодернизм шундай бир йўналишки, уни аниқ бир давр ёки замонга тақаб бўлмайди. Бу руҳий даража, аниқроғи, санъатга кучли иштиёқ, таъсир қилиш усули. Шунинг айтиш мумкинки, ҳар бир даврнинг ўз постмодернизми мавжуд, худди шунингдек, ҳар бир даврнинг ўз услуби менимча, постмодернизм кўпроқ – маньеризмнинг замонавий муқобили бўлиб кўринади. Шундай ўйлашга тўғри келяптики, Ницшенинг "Бевақт туғилган мулоҳазалар" асарида тасвирланганидек, ўтмиш ва ҳар қандай давр изланишларида инқирозли лаҳзалар юз кўрсатяпти. Ўтмиш бизга талаблар қўяди, бизни эса қўйиб юбормайди, дўқ-пўписа қилади. Ўтган давр авангардизми ўтмиш билан ҳисоб-китоб қилишга уринади. Футуристларнинг шиори "Ой шуъласи йўқолсин!" – хоҳлаган авангарднинг типик дастури, ой шуъласини фақат бирор-бир арзийдиган нарсага алмаштирсанга бўлади. Авангард анъанавий образлиликни парчалайди: "Авиньонлик қиз" – типик авангардча ишора. Бундан сўнг авангард образларни парчалаб, тугатиб, мавҳумлик, шаклсизлик, тилка-пора бўлган бўз мато чегараларига илгарилаб кетди. Меъморчиликда бу деворларни тўлдирадиган, ёдгорлик тоши кўринишидаги бино, асил параллеллепипед кўринишидадир. Адабиётда бу нутқий камчилик фақат бирор-бир арзийдиган маънога қоғозга давом этмоқда. Мусиқада эса ноҳангошликдан шовқингача, яъни тамомила жимликкача у намоён бўлмоқда.

Умберто Эко 1932 йилнинг 5 январиди Италиянинг шимолидаги Алессандра шаҳарчасида дунёга келди. Бошланғич ва ўрта таълимни католик мактабда тамомлаган Умберто таҳсилни Турин университетининг Ўрта аср фалсафаси ва адабиёти бўлимида давом эттиради. Магистрлик ва докторлик диссертациясини томасчилик оқими ва унинг эстетик фалсафаси мавзусида олиб боради. 1962 йилда Турин университетиди доцент, 1969 йилда Флоренция университетиди профессор унвонини олди. 1971 йилдан Болонья университетиди ишлай бошлайди ва 1975 йилда мазкур даргоҳнинг илмий текшириш институтига директор этиб тайинланади. Умрининг охиригача айна институтга раҳбарлик қилади.

Умберто Эконинг бугунга қадар чоп қилинган 6 романи мавжуд. Унинг илк асари "Атиргул исми" номли роман бўлиб 1980 йилда нашр қилинган. Бу роман олимни уста ёзувчи сифатида дунёга танитади. Шундан сўнг файласуф адибнинг "Фуко мятниги", "Ўтган куннинг ороли", "Баудолино", "Қиролича Лоананинг сири олами", "Прага қабристонини" романлари нашр этилади.

Умберто Эко 2016 йил 20 февралда 84 ёшида вафот этди.



Шундай лаҳзалар бўлдики, авангард (модернизм) га ҳеч қарга бориш мумкин бўлмаганда, у ўзининг шахсий ва имконсиз нутқини яратди ва унда имкониятдан ташқари матнлар юзага келди. Постмодернизмнинг модернизмга жавоби ўтмишга тан олишдадир: ундан юз бурмаслик лозим, ана ўшанда биз тўлақонли жимликка эришамиз, гўлик билан эмас, унга кинояли тарзда қараб иш кўрамай. Постмодернизмга муносабат худди инсонга, севимли инсонга муносабатдек бўлмоғи зарур. "Мен сизни телбаларча севаман", деб айтолмаслигини билди. Яна у биладиди, Лиала аллақачон шундай деб ёзган. Барибир чорасини топса бўлади. У айтиши мумкин эди: "Лиала айтганидек, мен сени телбаларча севаман". Худди шундай ёлғон маъсумлик ҳақида очиқ фикр юрота туриб айтиши мумкин, энди маъсум суҳбатлар қуролмаймиз. У ўшандаёқ аёлга уни севишини, йўқотилган беайб вақт билан севишини айтгани. Агар аёл ўйинни давом эттира олса, бу тан олинган севги изҳори, деб қаралади. Ҳеч ким ўзини айбдор ҳис қилмайди. Иккаласи ҳам буни ўтмиш даъвати, ким томондандир айтилган ва энгилмас даъват деб билади. Иккаласи ҳам ақлу хуш ва мамнуният билан кинояни давом эттиради. Уларда яна муҳаббат мавзусида суҳбатлар қуриш имкони бор.

Киноя, нутқий ўйин, тўртбурчак оралаб ҳи-

қоя қилиш. Шунинг учун ҳам модернизмда ким ўйин қондасини билмаса, ўйинга қўшилмайди ва оқибатда инкор қилишга ўтади. Постмодернизм қондасига кўра ўйинни тушунмасдан ҳаммасини жиддий қабул қилиш зарур. Бу, шунингдек, киноянинг ҳам муҳим фазилатидир. Пикассо, Хуан Грис, Брак асарлари модернизмга хос. Шунинг учун ҳам уни оддий ўқувчи қабул қила олмайди. Макс Эрнест асарлари постмодернизмга дахлдор. У XIX аср ўйма нақшларидан парчалар яратди. Уларни фантастик ҳикоя тарзида ўқиш, ўйма нақшлар қиссаси ва ҳатто айтиб берилган туш эканлиги ҳам англандаслиги мумкин. Агар булар модернизм саналса, нимага Стерн ва Рабле постмодернизм намояндаси, Борхес очиқдан-очиқ шу йўналишга мансуб деб қаралади-ю, бошқа бир санъаткорда муроса қилишга тўғри келади, модернизм ва постмодернизм элементлари алмаштирилади. Мана, Жойсда нималар юз берганига эътибор қилинг. Унинг уриниш тарзида ёзилган "Портрет"и модерн руҳида. "Дублинликлар" ундан олдин ёзилишига қарамай, модернга яқинроқ. "Улисс" қайсидир чегарада. "Финнеган хотиралари" эса постмодернизм, кўпроқ постмодернизмнинг бошланиши. Уни инкор қилишдан олдин киноявий фикрларини тўғри тушуниш лозим.

Постмодернизм ҳақида аввалбошдан ҳамма фикрлар айтилган эди (Жон Бартнинг "Адабиёт ва ниҳоя" очерки, 1967 йил). Албатта, ҳаммаси ҳам постмодернизм назариясига тўғри келаркандай, ахир ёзувчи ва санъаткорларга бу постмодернизмга тўғри келади, буниси тўғри келмайди деб ёрлиқ илиб чиқиш шарт эмас. Мени унга хос бўлган қондалар, постмодернизм назарияси сифатида олиб чиқилаётган фикрлар қизиқтиради: "Менинг идеал ёзувчим постмодернни таг-туби билан кесиб ташлашга уринмайди ва йигирманчи аср адабиётига мансуб оталарини, ўн тўққизинчи асрдаги боболарини инкор этмайди. Эҳтимол, бу ёзувчи Жеймс Мичинер ва Ирвинг Уоллес ўқувчиларининг эътиборини жалб этишни орзу қилмас. Улар оммавий фикрлар билан китобхон қалбига ула-элик суриб, пардозлаб бўлишган. Бироқ улар китобхон меҳридан, янада каттароқ аудиторияни қамраб олишдан умидвор бўлмоғи лозим. Бу каби санъат ишчибозларини Томас Манн илк насронийлар деб атайдилар...". Идеал постмодерн роман реализм ва нореализм, формализм ва сюжетлилик, "адабиёт адабиёт учун" ва "таклиф адабиёти", сара ва оммавий адабиётлар ўртасидаги кескин танқидни бардош билан ёнгиб ўтиши керак. Мен яхши жаз ва мумтоз мусиқани таққослаб кўрган бўлардим: қайта тингланаётганда ёки партитура ўқиладиганда олдинги гал илганмаган жиҳатлар юзага чиқади. Бироқ энг биринчи галги тинглашни такрорига мослаштиришга тўғри келади. Бу мутахассис ва шинаванда учун ҳам бирдай ҳақиқатдир". Барт 1980 йилда бу мавзуга ана шундай ёндошган эди, энди бу мақолани "Мукамал адабиёт" деб номлади. Албатта, Лесли Фидлер каби бу мавзуга чуқурроқ ёндошиш, шубҳа билан қараш ҳам мумкин. "Калибано" журналининг 1981 йилги худди ўша сониди унинг очерки эълон қилинган, "Соғали чизиқлар" журналида унинг бошқа америкалик муаллифлар билан қилган мунозараси ўрин олган. Албатта, Фидлер уларга таклиф қилган. У "Сўнги могики"ни, саргузашт, готик услубдаги адабиётларни алқайди, танқидга нисбатан нафрат кўзгашини, бироқ афсона яратувчилар жуда кўп ўқувчилар авлодининг ўй-хаёлини банд этаётганига эътибор қаратади. Ошхона, меҳмонхона ё болалар хонасида бирдай қизиқли ила мутолаа қилиш учун қачонлардир "Том тоғанинг кулбаси"нинг бошқачаси яратилгани, деб савол ташлайди. У Шекспирга шунинг учун ҳам дахлдорки, ким агар кўнгил овлаш иқтидорига эга бўлса, асарни "Шамолларда олиб кетилган" билан бир сафга қўя олади. У жуда зийрак танқидчи сифатида танилган, афсуски, ўзи ҳам бунга инонади. У шунчаки, санъат ва кўнгилловлар адабиётлар ўртасидаги деворни бузиб ташлашни хоҳлайди. Айна пайтда кенг китобхон оммаси эътиборини жалб этиш ва уларнинг орзулар мундарижасини бойитиш – демак, авангардчасига ёзмоқ демаклигини тушуниб туради. У бизга шундай имконият яратиб бермоқдаки, китобхон орзулар мундарижасини бойитиш – мурасасозлик дегани эмас. Айтиш мумкинки, бу китобхонни янаям муккадан кетишга чорловдир.

Рус тилидан Гўзал БЕГИМ таржимаси



Муассис:

"ТАФАККУР ВУЛОГ'И" масъулияти чекланган жамияти

Тахрир хайъати:

Минҳожиддин МИРЗО

Аҳрор АҲМЕДОВ

Сувон МЕЛИ

Зиёвуддин МАНСУР

Хусан ЭРМАТОВ

Ўткир ҚУРБОНОВ

Фаррух ҲАМРОЕВ

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Ҳафиза ҚўҶҚОРОВА

Маъруфжон ТОШПҮЛАТОВ

Саиджалоил САИДМУРОДОВ

Шаҳноза РАҲМОНОВА

Бош муҳаррир
Хосият РУСТАМОВА

Маънавий-маърифий,
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий газета



№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил
8 декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0258 рақам билан 2012 йил 26 январда қайта рўйхатдан ўтган.

Саҳифаловчи:
Шаҳобиддин МАХМАДИЕВ



Манзилмиз:
100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-98
(99) 808-36-37

e-mail:
kitobdunyosi@mail.ru

Материаллар газетадан кўчириб босилганда "Китоб дунёси"дан олингани кўрсатилиши шарт.

Баҳоси келишилган нархда

Адади: 4011

Босишга топшириш вақти –
19.00
Топширилди –
19.00

Г-516

"Шарк" НМАК босмахонасида босилди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилиши учун босмахона масъул.

Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй
Тел.: (0-371) 233-11-07
1 2 3 4 5 6

Ҳажми А-2
бичимда, 6 босма
табоқ, офсет усулида

Обуна индекси 238